



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 7-avgust, payshanba, 31 (559)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



## «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

### Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 август куни Оқсаройда Япония иқтисодий, савдо ва саноат вазири Тошимицу Мотэгини қабул қилди

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида фаол ривожланиб бораётган мулоқотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорлик, авваламбор, иқтисодий соҳадаги алоқалар ҳолатини баҳолаш ва уни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил февраль ойидаги Японияга расмий ташрифи савдо-иқтисодий, сармовий ва молиявий алоқалар ривожига янги суръат бағишлади, сиёсий ҳамкорликни фаоллаштириб, стратегик шерикликни мазмунан янада бойитди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан биридир. 2013 йил якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 215 миллион АҚШ долларидан ошган. Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган молиявий-техникавий воситаларнинг умумий ҳажми 2 миллиард доллардан зиёддир.

Япония компаниялари «Кўкдумалок» қонида компрессор станциясини ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини модернизациялаш каби йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этди. Бугунги кунда Навоийдаги иссиқлик электр станциясини кенгайтириш ва Толлимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш бўйича қўша лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда энергетика, нефть-газ, кимё ва кон саноати, электротехника, автомобилсозлик ва телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Япония делегациясини таркибига «Иточу», «Мицубиси», «Марубени», «ЖОГМЕК», «НЭК» каби етакчи компаниялар вакиллари мамлакатимизга ташриф буюргани ва ушбу ташриф доирасида қўша бизнес-форум ўтказилиши мамнуният билан қайд этилди.

Тошимицу Мотэги самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Япония ҳукумати Ўзбекистон билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

### Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда маъқулланди

**O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди**

Муҳокамаларда қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ва жиноий жазо тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам қонунчи-

ликда мавжуд айрим зиддиятларни бартараф қилиш имконини беради. Хусусан, жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича маҳкумларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиш йўналиши шулар жумласидандир.

2 >>>

#### КЕЛГУСИ СОҶДА:

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ТАШАБУСИ билан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазирининг ўринбосари Дилмурод Турдиевнинг «Иқтисодийнинг реал тармоқлари учун меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлашнинг ҳолати ва истиқболлари ҳамда уни ҳуқуқий такомиллаштириш масалалари тўғрисида»ги ахбороти тинланди.**



Солиқ 30ИР олган суратлар

Бу йил мамлакатимиз галлакорлари учун ниҳоятда баракали келди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор **8 МИЛЛИОН 50 МИНГ ТОННАЛИК** хирмон қўтарилди. Бундай улкан зафар Ватанимиз мустақиллигининг йилгирма уч йиллик байрамига муносиб тўғнади. Юртимиз далаларида етиштирилган сара дон ҳосилдорлиги энг илгор хўжаликларда **90-100 ЦЕНТНЕРГА** етди. Улар орасида Янгийўл туманидаги «Ситорахон» кўп тармоқли фермер хўжалиги ҳам бор.

— Президентимизнинг галлакорларга йўллаган табриғида хўжалигимиз тилга олинганидан нафақат оиламиз, балки бутун Ўзбекистон қишлоғи аҳолисининг боши осмонга етди, — дейди **O'ZLIDEP АЪЗОСИ, «СИТОРАХОН» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАИСИ АНВАР РАШИДОВ**. — **127 ГЕКТАР** ердан олинган ҳосилнинг **440 ТОННАСИНИ** давлатга топширдик. **170 ТОННА** бугдойни хўжалик ишчилари, яна **30 ТОННАНИ** кам таъминланган хонадонларга тарқатдик. Олинган даромад ҳисобига ўзим ва ишчиларга замонавий лойиҳа асосида қурилган **5 ТА УЙ** харид қилдик. Илгор фермер мавжуд **160 ГЕКТАР** ернинг **127 ГЕКТАРИГА** галла, қолганига мева-сабзавот ва зиравор ўсимликлар экиб, улардан ҳам мўл ҳосил етиштирмоқда.

### Фермерлик ҳаракатининг юксак самаралари

**Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимиз ҳаётида асрларга татигулик ўзгаришлар, янгиланишлар юз берди. Хусусан, аграр тармоқда мулк шакли ўзгариб, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон ТУРДИЕВ билан ЎЗА мухбирининг суҳбати ана шу ислохотларнинг самаралари хусусида бўлди**

— Истиқлол халқимизга чексиз имкониятларни тўхфа этди. Ҳар бир инсоннинг ўз меҳнатидан баҳраманд бўлиб, эмин-эркин фаолият юритишига шарт-шароит яратилди, — дейди С.Турдиев. — Одамларнинг ерга, мулкка бўлган муносабати ўзгарди. Мустақиллик шарофати туфайли собиқ тузум даврида «боқиманда», «қолоқ» дея камситиб келинган деҳқон бугун ернинг ҳақиқий эгасига айланиб, фермер номи билан жамиятда обрў-эътибор топмоқда. Бу ундан ерга меҳр бериш билан

бир вақтда замон билан тенгма-тенг юришни, унинг талабларини ўз вақтида ҳис қилишни, фойдали ғояларни ҳаётга татбиқ этишда ижодий ёндаша олишни ҳам талаб этмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, фермер нафақат деҳқончилик силрларини пухта бериши, яъни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селекционер, бизнесмен, керак бўлса, дипломат бўлмоғи зарур.

Бугунги фермерларимиз онгида том маънода туб бурилиш ясалди. Ун йил олдин даромад кўриш,

машина олиб, уй қуриш мақсадида меҳнат қилган фермер бугун хўжалиги қошида қайта ишлаш корхоналари очиб, янги иш ўринлари яратиб, ёшларни иш билан таъминлаш нияти билан яшамоқда. Депутат бўлиб фермерлик ҳаракатига оид масалаларни юқори минбарлардан гапирмоқда, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, социал-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган изчил дастурларда фаол иштирок этмоқда.

3 >>>

### Мунтазам изланишни талаб этадиган фаолият

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрни ва мавқеига эга **O'zLiDeP** фаолиятининг дастлабки қўллариданоқ республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этувчи хотин-қизлар фаоллигини ошириш ва уларни партия сафига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратди. Натижада бугун либерал-демократик ғояларни қўллаб-қувватлаётган опа-сингилларимиз **84 334** нафардан ошди.

**O'zLiDeP** аъзоларидан сайланган 36 нафар сенаторнинг 5 нафари, Қонунчилик палатасидаги 51 нафар депутатнинг 11 нафарини аёллар ташкил этишининг ўзиёқ уларнинг амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Ватан ва миллат тақдирига нисбатан аниқ фуқаролик позициясига эга кучга айланганидан далolatдир.

4 >>>

### Акциядорлик шакли биржаларнинг ошқоралигини таъминлайди

Олий Мажлис Сенатига маъқуллаш учун юборилган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бевосита **O'zLiDeP** электрорати манфаатларини ифода этиши билан ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, бугунги даврда биржалар инвестицияни жалб қилувчи асосий механизмлардан бирига айланди. Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимиз молия бозори инфратузилимасини сифат жиҳатдан яхшилаш, биржалар ишида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун қулай шарт-шароит яратиш билан бир қаторда унинг иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилиш, яъни товар-хом ашё ва молия биржаларини тартибга солишни янада такомиллаштириш, биржа битимлари иштирокчиларининг кафолатларини кучайтириш, хўжалик субъектларининг товар-хом ашё ва молия биржаларида кенг иштирокини таъминлаш, харидорларнинг товар биржаларида сотиб олинган маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш, нархларнинг спекулятив охиб кетишининг олдини олишга қаратилган.

3 >>>

### МУСИҚАНИ ҚАЛБИМИЗ БИЛАН ТИНГЛАЯМИЗ

#### XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БУЛДИК?

Пойтахтимизда ташкил этилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция юртимиз янги тарихидаги энг аҳамиятли воқеалардан бири бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 40 та мамлакат ва 20 та халқаро ташкилотдан 200 нафардан зиёд вакил иштирок этган нуфузли анжуманнинг очиқлик маросимида сўзлаган нутқини моҳиятан жаҳон миқёсида юзага келаётган мураккаб вазиятнинг муфассал таҳлилидир, десак хато қилмаган бўламыз.

БМТ ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сайёраимиздаги 840 миллиондан ортиқ аҳоли, яъни ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланаолмаётган бир пайтда Ўзбекистон дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилаётгани, ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ ва карамни четга сотиш ҳажми бўйича дунёдаги ўн та етакчи давлат қаторидан ўрин олгани, лўнда қилиб айтганда, иқтисодийнинг «Ўзбек модели» ўзини амалиётда тўлиқ оқлаётганини исботлашга ҳолат бўлмаса керак.

Айни вақтда Ўзбекистон умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот экспорт қилаётгани, сўнгги 3 йилда хорижга сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошгани, боз устига, 2020 йилда 2014 йилга нисбатан 2,3 баробар ўсишга эришиш мўлжалланаётгани анжуман иштирокчиларининг диққат-эътиборини тортгани шубҳасиз. Аммо бундай натижага ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта.

3 >>>

#### Бугунги сонда:

**4 Жараён Лойиҳа иштирокчилари иштрисни бошлашди**

**5 Қуйи бўғинларда Миқдор ошиб, муддат узайса...**

**6 Муносабат Ҳисобот йилда бир марта топширилади**

**7 Халқаро ҳаёт Огоҳ бўлинг, ахборот хуружи!**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **2014** йил 5 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:\*)

1 Австралия доллари	2176.87
1 Англия фунт стерлинги	3930.42
1 Дания кронаси	420.68
1 БАА дирҳами	636.05
1 АҚШ доллари	2336.20
1 Миср фунти	326.74
1 Исландия кронаси	20.34
1 Канада доллари	2139.38
1 Хитой юани	378.23
1 Россия рубли	65.39
1 Украина гривнаси	195.28
1 Малайзия ринггити	730.18
1 Польша злотийси	750.54
1 СДР	3576.86
1 Туркия лираси	1095.93
1 Швейцария франки	2578.30
1 ЕВРО	3163.60
10 Жанубий Корея вони	22.62
10 Япония иенаси	227.54

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Парламентда

## Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда маъқулланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»



Спикер ЗОИР олган сурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Маъруф Усмоновнинг таъкидлашича, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ва жиноий жазо тизimini ислоҳ этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик тизimini янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунинчи, айбланувчиларга нисбатан белгиланган жиноий жазо уларга азоб келтириш эмас, балки янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш суд-ҳуқуқ соҳасидаги муҳим масалалардан биридир. Иккинчи ўқишга тақдим этилган мазкур қонун лойиҳасида ана шу жиҳатлар тўлиқ қамраб олинган.

Эътиборли жиҳати, унда кўзда тутилаётган нормалар О'зЛиДеР дастурий мақсадларида ҳам ўз аксини топган, десак адашмаймиз. Зеро, партия суд-ҳуқуқ тизimini ислоҳ қилиш доирасида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида шундай ваколатлар бўлиши тарафдорлики, токи бунда фуқаронинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва кадр-қиммати сақланиб қолиши, шу билан бирга жиноят жазосиз қолмаслиги ҳам зарурдир. Дарҳақиқат, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, ҳар бир шахннинг Конституция ва қонунлар билан қаролатилган ҳуқуқларини рўйбага чиқаришда долзарб аҳамият касб этади.

— Иккинчи ўқишда муҳокама қўйилган қонун лойиҳаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний ман-

**Баҳс-мунозаралар руҳида ўтган йиғилишда кейинги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизimini янада демократлаштириш борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилганлигига эътибор қаратилди.**

фаатлари ва кадр-қиммати қатъий риоя қилинишини таъминлайдиган ҳужжат сифатида эътироф этилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Тўлқин Турсунов. — Зеро, О'зЛиДеР ҳам қонунчиликнинг адолатли ва инсонпарварлик тамойиллари асосида қарор топиши тарафдори эканлигини таъкидлаш жоиз.

Қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган йиғилишда кейинги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришнинг

энг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизimini янада демократлаштириш борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилганлигига эътибор қаратилди. Жазо тизimini либераллаштириш йўналишидаги бундай чораларнинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Мисол учун, судларнинг ихтисослаштирилиши, ярашув институтининг жорий этилганлиги ва ўлим жазосининг бекор қилиниши шулар жумласидандир. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-

тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ўлим жазосининг бекор қилиниши халқро ҳам-жамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлган муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеалардан биридир. Нуфузли хорижий экспертлар бу соҳада юқорида кўрсатилган ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизimini яратилганлигини қайд этишяпти.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилган депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижтимоий кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси партия электорати ҳисобланган тadbirkor ва фермерларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоялашда ҳам муҳим омили эканини таъкидладилар.

## Аҳоли осойишталиги ва жамият барқарорлиги

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланаётган «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган ҳуқуқий қоидаларни О'зЛиДеР фракцияси аъзолари ана шу икки муҳим жиҳат билан изоҳламоқдалар**

Ўз мухбиримиз

Парламент куйи палатасига киритилаётган ва атрофлича муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари бўйича ҳар бир фракциянинг ўзига хос позицияси бўлиши табиий, албатта. О'зЛиДеРнинг ушбу ҳужжат меъёрларига оид қарашларига ўтишдан олдин мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун қандай эҳтиёж бор эди, деган саволни ўртага қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки шу пайтгача «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун амал қилиб келаётган эди. Ҳўш, бир қонунни иккинчиси билан алмаштиришдан мақсад нима?

— Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги қонун 1992 йилда қабул қилинган бўлиб, унинг баъзи жиҳатлари бугунги глобаллашув даври талабларига жавоб бермай қолди, — дейди биз билан суҳбатда О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Раҳматилла Каримов. — Яъни, халқро иқтисодий-ижтимоий ва маданий алоқаларнинг жадаллашиб бориши, экология ва атроф-муҳитга бўлган талабларнинг ортиши, жамиятдаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши миллимиз саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳасининг юқоридагидек номланиши билан шу йўналишдаги масалалар фақатгина давлат органлари томонидан назорат тартибда амалга оширилармай, балки фуқаролар, мулкий шаклидан қатъи назар, тadbirkorлик субъектлари, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳам фаол иштирокини таъминлашни тақозо этмоқда.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг амалдаги қонундан фарқли томонлари, даставвал, унинг ўқилиши, амалда қўлланилишини оsonлаштириш ва тушуналишини соддалаштириш учун санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш маъмул бир талабларни иборат. Шунга биноан ушбу жиҳатларни қонун лойиҳасининг алоҳида бобига киритиш мўлжалланган.

Зеро, унда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш тамойиллари ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш назарда тутилган. Шунингдек, ушбу қонуннинг ижро



**Халқро иқтисодий-ижтимоий ва маданий алоқаларнинг жадаллашиб бориши, экология ва атроф-муҳитга бўлган талабларнинг ортиши, жамиятдаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши миллимиз саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.**

механизмини таъминловчи санитария қоидалар, меъёрлари ва гигиена нормаларига алоҳида модда ажратилиб, унинг таърифи берилляпти. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонундан яна бир фарқли томони шундаки, аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларидаги осойишталигини таъминлаш соҳасида юридик ва жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тadbirkorларга тегишли мажбуриятлар билан биргаликда ҳуқуқлар ҳам белгиланмоқда. Модомики, аҳолининг санитария-эпидемиология бўйича осойишталигини таъминлаш маъмул бир талабларни иборат. Шунга биноан ушбу жиҳатларни қонун лойиҳасининг алоҳида бобига киритиш мўлжалланган.

«Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамалар чоғида О'зЛиДеР фракцияси аъзолари киритилаётган янги нор-

малар ҳўжалик субъектлари учун ишбилармонлик муҳити ва бизнес иклими ёмонлашувига йўл қўймаслиқнинг муҳим таърифи берилляпти. Қонун лойиҳасида техник тартибга солиш соҳасида озик-овқат маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқариш ва ташин, меҳнат шароити ва ҳоказоларга оид меъёрий ҳужжатларга санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилгани қайд этилди. Хусусан, тadbirkorлик субъектлари фаолиятини эҳтимолий тўхтатиш, қонун лойиҳасига кўра, суд тартибда амалга оширилади.

О'зЛиДеР ана шу қатъий нормани инобатга олган ва ўз электорати манфаатлари ҳимоясига содиқ қолган ҳолда мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, санитария-эпидемиологик вазият барқарорлигини сақлаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

## Тақлиф ва тавсиялар умумлаштирилди

О'зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ўтказилган амалий мулоқотда «Давлат мулкнинг бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида назарда тутилаётган ҳуқуқий меъёрлар электорат вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимлиги иқтисодий бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, Фермерлар кенгаши мутасаддилари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар мазкур ҳужжат давлат мулкнинг бошқарилида шаффофлик, қонунчилик, ошкоралик ва адолатчилик тамойиллари, давлат мулкнинг бошқарилининг асосий мақсадлари, вазифалари, принциплари ва механизмларини янада мустақамлашга қаратилганлигини таъкидладилар.

— Ушбу қонун лойиҳаси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш доирасида тайёрланган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Шоира Ҳайдарова. — Унда мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат томонидан харид қилиб олинган вақтдан бошлаб, улар тугатилгунча қадар бошқариш тизimini тиклаш бўйича нормалар акс эттирилган. Мазкур қонун лойиҳасида давлат мулкнинг республика ва муниципал мулкка ажратилиш, давлат мулкнинг бошқарили соҳасида ягона сиёсатни самарали амалга оширишда давлат органлари масъулиятини ошириш ҳамда уларнинг ваколатлари чегарасини аниқ кўрсатиш тақлиф этилаётди.

Қизгин баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтган мулоқотда билдирилган тақлиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида партия фракциясига тақдим этилди деган бўлди. **Сайфуддин ИКРОМОВ.**

## «Сайлов жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни»

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий минтақавий филиали томонидан ўтказилган давра суҳбати ана шундай номланди**

**Мансур АСЛОНОВ,**  
«XXI asr»

Сайлов комиссиялари аъзолари, вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари мутасаддилари, соҳанинг тажрибали экспертлари иштирок этган тадбирда мамлакатимизнинг

Бош қомуси — Конституцияда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари қатъий белгилаб қўйилганлиги, эркин фуқаролик жамияти принциплари асосида ўзлари хоҳлаган сиёсий партияга ихтиёрий равишда бирлашган ҳолда сайловларда қатнашининг қонуний асослари яратилганлиги, бу жараёнинг очиқ-ошкора ва демократик тамойиллари асосида ўтказилиши

ҳамда уларни ёритиш самарадорлигини оширишга оид мавзуларда сўз юритилди.

Узаро фикр алмашиш ва мунозара тарзида ўтган мулоқотда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга тadbirkor ташкилотчилари ва экспертлар томонидан жавоблар қайтарилди. Давра суҳбати якунида кун тартибдаги масала юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## Таътил завқи

Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйининг 135 нафар тарбияланувчиси ёзги таътилни Лашкар қишлоғида жойлашган соёломлаштириш оромгоҳида ўтказмоқда. Болажонларнинг мароқли ва мазмуни дам олиши учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган масканда 8 нафар мураббий турли кўнгилочлар, қизиқарли тadbirkorлик, спорт мусобақалари, викториналар ўтказишмоқда. Жумладан, «Энг фаол китобхон» кўрик-танлови волибларига янги чоп этилган болалар китоблари совға қилинди. — Оромгоҳимизда ахборот-ресурс маркази шохобчаси, чўмчилик хавзаси, спорт майдончалари мавжуд. Республика болаларнинг ижтимоий мослашув маркази томонидан 6 та сўнгги рўсулдаги компьютер жамланмаси, вилоят Маънавият ва маърифат тарғибот маркази томонидан 500 минг сўмлик турли адабиётлар тақдим этилди, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Камолдин Ёқубов. — Рассомчилик, моҳир кўллар, компьютер саводхонлиги, меҳнат, мусикага оид ўнга яқин тўғрақ фаолият кўрсатмоқда. Шахмат-шашка, теннис, волейбол, баскетбол, сузши, футбол, снля атлетика бўйича спорт секциялари ишлаб турибди. **Муҳаммадjon МАХМУДОВ.**

## Аёллари эъзозланган юрт

**Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Янгийўл қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнара коллежида ташкил этилган давра суҳбати ана шундай номланди**

«Яноасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, тadbirkorлар ва фермер аёллар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, спортчи қизлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Давра суҳбатида Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, қуйи тизимлар

фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. — Аъзоларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда, — дейди О'зЛиДеР вилоят кенгаши масъул ходими Муясар Жамолдиднова. — Уларнинг саккиз ярим мингдан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. Аҳамиятлиси, илгари аъзолар сонини тарғибот-ташвиқот орқали кўпайтирган бўлсак, ҳозир уларнинг ўзи бу борада ташаббус кўрсатишаётди. Тадбирда истиқлол йилларида юқори марраларни эришган хотин-қизлар ҳақида видеоролик намойиш этилди. Ёш шоирлар томонидан ўқилган шеърлар, спортчи қизларнинг кўргазмалли чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. **Б.ХИДОЯТОВ, Ўза мухбири.**

## Ўзбекистонда халқро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўтказилади

**Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иқтисодий барқарорлик муҳим мезон ҳисобланиб, унда ҳар соҳанинг самарадорлиги алоҳида ўрин тутлади. Шу маънода юртимизда етиштирилаётган ҳар бир пахта толасини нест-нобузд қилмай йиғиштириб олиш куннинг долзарб вазифаларидан бири саналади**

бўлиб ўтиши мўлжалланаяпти. Ушбу ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Сифат» пахта толасини сертификатлаш маркази, «Ўзбекистон кенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ва бошқа тузилмалар кўмағида ташкил этилади. Ярмаркада нафақат экспозициялар, балки технология ва дизайн соҳасидаги инновацион тақлифлар тақдим этилиши, давра суҳбатлари, се-

минарлар, конференциялар ўтказилиши, миллий ва маънавий либослар коллекцияси намойиш қилиниши кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ахборот хизматининг хабарига кўра, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли ярмарка жаҳон пахта саноати етакчилари, тўқимачилик корхоналари вакиллари ва савдо агентларига мамлакатимиз пахта комплексини ривожлантириш стратегияси билан танишиш, савдоларда қатнашиш, шартномалар тузиш имкониятини яратди. **«Туркистон-ПРЕСС».**



Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 ноябрдаги қарорига мувофиқ ҳар йили юртимизда Халқро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўтказилиб келинади. Бу йил ҳам мазкур қарор асосида жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари пойтахтимизда Х Ўзбекистон халқро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
23 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# Фермерлик ҳаракатининг юксак самаралари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Буларнинг бари истиклол боис фермерларга яратилаётган кулай шарт-шароит ва имтиёзлар туфайлидир. У бизга инъом этган имкониятларнинг чеки-чегараси йўқ. Аввало, инсон кадр топди. Инсон ўз меҳнати, турмушидан рози бўлиб, оиласининг эртанги кунидан хотиржам яшаши, фарзандлари кўзига тик қарай олиши ҳам фаровон ҳаёт белгисидир. Давлатимиз раҳбарининг оқилона, узокни кўзлаган сиёсати боис бугунги кунда ана шундай бахт-саодатга эришдик.

**– Жорий йилда галлакорларимиз саккиз миллион тоннадан ортиқ ҳосил етиштирди. Ўтган даврда нафақат галла, балки бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ҳам бир неча баробар ошди. Бундай юқори ўсиш суръатлари эришишда қайси жиҳатлар асосий омил бўлмоқда?**

– Албатта, қўлга киритилган улкан муваффақиятларимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар дастуриламал бўлаётди. Деҳқон ва фермерларнинг моддий манфаатдорлиги оширилгани боис ҳосилдорлик йилдан-йилга кўпаймоқда. Шу ўринда бу ютуқларга эришишда интенсив усулда маҳсулот етиштириш муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мустақилликка галладан 17 центнер ҳосил олган фермерларимиз жорий мавсумда ўртача 55 центнерлик натижага эришди. Улар орасида 90-100 центнерлик маррани забт этганлар кўп.

Ўтган йили бугдояни экишдан аввал фермерларга мурожат билан чиқиб, шартномавий режага қўшимча 5 центнер ортиқча ҳосил йиғишга чорладик. Фермерларимиз бу ташаббусга жавобан 7 миллион 610 минг тоннадан ортиқ галла хирмони бунёд эттишти. Бу йил 8 миллион 50 минг тонна ҳосил йиғилди. Бу жуда катта жаражат. Шунингдек, фермерларимиз лугатида «Дала маданияти – фермер мажбурияти» деган ибора пайдо бўлдики, бу уларнинг бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш учун ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланишга ўргатди.

– Мустақиллик йилларида аграр тармоқда амалга оширилган улкан ислохотлар кўплаб хорижий ташкилотлар экспертлари, олим мутахассисларнинг эътиборини тормақда. Жорий йилнинг июнь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам бу борадаги ютуқлар яна бир бор эътироф этилди.

– Конференцияда иштирок этган икки оздан ортиқ чет эллик мутахассислар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларни ўрганиш, хусусан, фермерларимиз билан тажриба алмашиш ниятида эканини билдириди. Конференция давомида жойларда

бўлиб, мева-сабзавотлар етиштириш борасидаги илгор тажрибаларимиз билан танишишди. Улар маҳсулотларимизнинг бебаҳо истеъмол хусусиятлари, саломатлик учун муҳим бўлган микроэлементларга бой экани, бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай неъматлардан юқори туришини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, юртимиз тупроғида етиштирилган ҳар бир неъмат ўзига хос, таъмию хусусияти таҳсинга лойиқ. Бунда лафзи ҳалол, фидойи деҳқонларимизнинг меҳнати мурасам. Улар етиштирилган сархил маҳсулотлар эндиликда нафақат халқимиз, балки хорижликлар дастурхонини ҳам безаб, фаззини оширмоқда. Илгор фермерларимиз дунё тажрибаси билан ўртоқлашиб, ўзлари ҳам етиштирган маҳсулотларини хорижга экспорт қилмоқда. Зангиота туманидаги «Миришкор Сайфуддинова Хонзода», Қибрай туманидаги «Байтўрғон Орипов Ҳайитов», Сариосиё туманидаги «Абдурахмон Абдуғаффор Давр», Тайлоқ туманидаги «Сиёб Шавкат Орзу» фермер хўжаликлари шулар сирасидандир.

Халқаро конференция жараёнида қатор давлатлардан келган экспертлар, мутахассислар билан суҳбатда бўлдик. Улар Ўзбекистонда қисқа фурсатда жуда юксак муваффақиятларга эришилганини, фермерларимизнинг ўрнатилган тажриба кўлигини, юртимиз деҳқонлари билан янада яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида эканлигини маълум қилишди.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши кўплаб хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, ЕХХТ билан 2013-2014 йилларга мўлжалланган «Қишлоқда фермерликни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш» ҳамда Япониянинг Қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмончилик вазирлиги билан 2014-2018 йилларга мўлжалланган «Шўрланишга қарши чораларни тадқиқот қилиш» лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўтган даврда ортиқ томонидан 500 дан ортиқ фермерга Германия, Польша, Латвия, Япония, Хитой давлатларида тажриба алмашиб келишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бу жараён давом этмоқда.

**– Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиш янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мубофиқ Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилганда сўнг улар фаолиятда қандай янгиликлар юз берди?**

– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган мазкур фармон фермерлик ҳаракатини тараққий эттиришда янги босқинчи бошлаб берди. Фармонда жамиятни де-



Суратда: Наманган туманидаги «Обод дийр сари» фермер хўжалиги раҳбари Раҳматулла Нурматов ва хўжалик ишчиси Ҳошимбой Валеев. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

моқратлаштиришни чуқурлаштириш, аграр секторни барқарор ва самарали ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим бўлган сифатли қаралаётган фермер хўжалиқларининг роли ва аҳамиятини кенгайтириш каби бир қатор вазифаларга эътибор қаратилган. Шу асосда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 13 ҳудудий ҳамда 156 туман фермерлар кенгаши ташкил этилди. Уларнинг бошқаруви таркибига жамоатчилик асосида 1736 илгор фермер киритилди.

Фармон билан қабул қилинган дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ қолтаксига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга, ўндан ортиқ идоравий-меъёрий ҳужжатга ўзгартиришлар киритилди. Фермерлар кенгашларида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари устидан фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб судга даъво аризалари тақдим этганда давлат божи тўлаш, пахта хомашёсини йиғиб-териб олишда мавсумий қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинадиган ишчиларни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилиш, томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солигини тўлашдан озод этиш шулар жумласидандир.

Бундай имконият ва шароит фермерларни янада фаол бўлишга ундамоқда. Замон улардан фақат ҳосил етиштириш билан чекланмай, қўшимча тармоқларни ривожлантиришни ҳам талаб этмоқда. Юртимиздаги 73 мингдан ортиқ фермер хўжалигининг фаолият турини янада кенгайтириш ниятида. Айни вақтда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони 35,5 мингга етди. Жумладан, 450 дан ортиқ гўшт, сўт ва мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари, 15

музлаткич омборхоналар ишга туширилиб, қарийб 10 мингта сервис хизматлари иш бошлади. 3 минг 560 дан ортиқ хўжалиқда қорамолчилик, паррандачилик, 2,5 мингдан ортиқ хўжалиқда балиқчилик, асаларичилик йўлга қўйилди. 2 минг 900 фермер қарийб 8,8 минг гектарда интенсив ва маҳаллий бот, 2 минг 177 фермер 8,7 минг гектарда янги тоқзорлар барпо этди. Натижада қишлоқларда 156 мингта янги иш ўрни яратилди.

Эндиликда фермерларимиз фақат галла ва пахта етиштирувчи оддий деҳқон эмас, балки серкирра тadbиркор ҳамдир. Уларнинг ташаббуси билан чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик каби йўналишлар жадал ривожланмоқда. Жаҳоннинг энг илгор технологиялари асосида сифатли ва харидорлар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётгани боис у қишлоқда кўп тармоқли мақомига эга бўлди. Энг муҳими, фермерларимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар бугун ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Мана шунинг ўзиёқ оддий деҳқонга, ер эгасига берилган эркинликнинг натижаси эмасми?!

**– Кенгаш ўтган давр мобайнида фермерларнинг яқин ҳамқори ва маслаҳатчиси айланди. Фермер хўжалиқларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида яна қандай юмушлар режалаштирилмоқда?**

– Фермерлар кенгашлари томонидан қатор фермер хўжалиқларининг тайёрловчи ташкилотлардан маблағларни ундириш бериш бўйича хўжалик судларига даъво аризалари киритилиб, ижобий ҳал этиб берилди. Бундан ташқари 18400 дан ортиқ фермер хўжалиқнинг турли масалаларига бўйича мурожаатлари қаноатли тинтирилди. Фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида бир юз йигирмага яқин ҳуқуқий, иқтисодий, агротехник ва бошқа масалалар бўйича консалтинг маркази ташкил

этилди. 156 та қишлоқ хўжалиги коллежлари билан туман фермерлар кенгашлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Давлатимиз томонидан берилган ваколатлар кенгашларини фермерларнинг яқин ҳамқори ва елкадошига айлантди. Бугун фермер ўз орзу-истаклари, режалари ҳақида фермерлар кенгашлари билан маслаҳатлашади, фикрлашади, зарур бўлса ёрдам олади.

Келгусида ҳар бир туманда камиди иккитадан фермер хўжалиқда маҳаллий иқлим шароити, ер майдонларининг жойлашиши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда замонавий дала шиблонлари қуриш, томчилатиб суғориладиган майдонларни кенгайтириш, тоғолди ва тоғли ҳудудларда боғлар, пистазорлар ташкил этиш, муқobil энергия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш фермерлар фаолиятини қўллаб-қувватлашни режалаштирганми.

Президентимиз Ислам Каримовнинг юқорида қайд этилган фармони асосида амалга ошириш режалаштирилган вазифаларга қўшимча равишда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда кенгаш қўшида «Ёш фермерлар қаноти», Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан «Аёл фермерлар қаноти» дастурлари устида иш олиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли фермерлик ҳаракати янада тақомиллашиб бормоқда. Уларнинг юқори натижаларга эришиши нафақат қишлоқ аҳолининг даромади ошишига, балки юртимизда сифатли ва мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришга хизмат қилмоқда. Санаятга хомашё етказиб беришни яхшилаш, энг муҳими, яратилаётган янги иш ўринлари орқали аҳолининг моддий фаровонлигини янада яхшилаш имкони яратилмоқда.

**ЎЗА муҳбири Сайёра ШОЕВА сўхбатлашди.**

## МУСИҚАНИ ҚАЛБИМИЗ БИЛАН ТИНГЛАЙМИЗ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**XXIII  
КИМ ЭДИГУ  
КИМ БҮЛДИК?**

Юртбошимиз нутқини синчиқлаб ўқиб чиқар эканман, куйидаги фикр алоҳида эътиборимни тортди: «Иқтисодиётни ҳеч қандай мафкура билан бўғиш, жиялаш мумкин эмас. Бизнинг халқимизда, оч одам мусиқани қорни билан тинглайди, деган гап бор.

Яъни, турмуш даражаси паст, оддий эҳтиёжларни ҳам қондира олмайдиган одамни ҳеч қандай мафкура билан тўйдириб бўлмайди.» Жуда топиб айтилган бу гапни давлатимиз раҳбари 1993 йилнинг 9 октябр кунини халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашнинг навбатдан ташқари сессиясида ҳам айтгандилар: «Аввал одамларнинг қорнини тўқ, устуни бут қилайлик. Аввал иқтисод, кейин сиёсат деганларидек, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшитилади. Қулоғига гап кирмайди. Ахир, ислохотлардан мақсад одамларнинг ҳаётини яхшилаш эмасми? Бошқа гаплар кейин бўлаверди. Хулоса шунки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда биз ишлаб чиққан биринчи, асосий тамойилда кўзда тутилганидек, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак».

Ўша кезларда республика газетасининг мазкур вилоятдаги муҳбири эканлигим боис вужудга келган аҳволдан яхшигина хабардор эдим. Ислохотларнинг дастлабки босқичида нафақат оддий одамлар, балки турли даражадаги раҳбарлар ҳам ангилликлар моҳиятини чуқур тасаввур эта олмагани туфайли уларнинг ҳатти-ҳаракатларида дадиллик етишмасди. Айниқса, қишлоқ хўжалигидаги сусташлик яққол кўзга ташланиб турарди.

Сессияда мазкур аҳвол атрофида таҳлил этилиб, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг айби билан иқтисодий ислохотни амалга оширишда ички механизмлардан фойдаланиш суут кечаётгани, айниқса, мулкка бўлган муносабатдаги лоқайдлик сабабли вилоятда бор-йўғи 650 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётгани, уларнинг 455 тасига 15 минг ўрнига 3 минг гектаргина ер ажратилгани, 200 та фермерга эса умуман ер берилмагани қаттиқ танқид қилинган эди.

Бугун 20 ёшли сирдарёликлар ўша сессия материаллари билан танишиб чиқсалар, хайратга тушишлари аниқ. Чунки эндиликда вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг юз фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Юқорида келтирилган рақамлар билан ҳозирги солиштирилса, масала янада ойдинлашади. Яъни, айни пайтда вилоятда 5584 та фермер хўжалиги фаолият юритаётипти. Шундан 1261 таси кўп тармоқлидир. Иил якунига қадар улар сонини 1422 га етказиш кўзда тутилган. Улар аллақачон қишлоқда етакчи ижтимоий қатламга айландилар. Мустақилликнинг дастлабки йилларида тузилган йиғит-қизлар эса ана шу тadbиркор ва ишбилармон юртдошларидан андоза олиб, жамиятимизнинг энг фаол аъзолари бўлишга интилиб яшамоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, «... биз ислохотларни босқичма-босқич ва изчил равишда амалга ошириш йўлини танладик. Бу нимани аналатади? Бу шуни аналатадики, ўз олдимиизга қўйган мақсадга худди отчопардаги пойгада бўлгани каби, бирданига эмас, энг аввало, тегишли ҳуқуқий пойдевор яратиб, малакали ва етук кадрларни тайёрлаб, тинимсиз интилиш, машаққатли меҳнат орқалигина эришиш мумкин. Биз айтиш учун йўлни танлаганми. Бизнинг одамларимиз, ёшларимизга бир қаранг, уларнинг кўзлари қандай ёниб, порлаб турибди. Улар бугун бошқалар эллай олмайдиган вазифаларни амалга оширишга қодир. Чунки улар ўзида мавжуд бўлган катта салоҳиятни рўёбга чиқариш, намоён қилиш истаги билан яшамоқдалар».

Ха, энди биз мусиқани бутун қалбимиз, вужудимиз билан тинглаймиз!

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,  
«XXI asr»**

## Муҳим жараёнга тайёргарлик

**Нукусда сайловларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзусида давра суҳбати ўтказилди**

Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими ташаббуси билан ташкил этилган тadbирда сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Кудайбергенов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» шиори остида изчил амалга оширилаётган демократик ислохотлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» бу борадаги ислохотларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тadbирда сайловларнинг ошкоралик, ҳолислик ва адо-

**А.ОРТИКБОВ,  
ЎЗА муҳбири.**

## Акциядорлик шакли биржаларнинг ошқоралигини таъминлайди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Насимжон АЛИМОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Кези келганда биржанинг бирламчи вазифаси мол-мулкнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш эмас, балки биржага қўйилаётган товарнинг бозор нархини аниқлаш (котировка)дан иборат эканлигини айтиш лозим. Шу нуқтага назардан ҳам янги тахрирдаги қонунда биржа фаолияти ёки биржа фаолияти деган тушунчаларга аниқ таъриф берилди. Чунки барча маҳсулотлар ҳам биржа фаолияти бўла олмайдилар. Мамлакатимизда фаолият

кўрсатаётган маҳаллий биржалар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги қонунда биржа товарининг аниқ тушунчаси бўлмаганлиги натижасида биржалар жаҳон миқёсида қабул қилинган асосий, яъни базавий биржа активларининг ҳар кунлик нархларини шакллантириш (котировкалаш) функциясини бажара олмаяпти. Бу эса биржалар томонидан реализацияга олинадиган активларнинг кўлиги ва уларнинг айримлари умуман биржа фаолияти бўлмагани, айни ҳолатда биржа нархларини шакллантириш мумкин эмаслиги, жумладан, биржа савдоларига кўчмас мулк объектлари, асбоб-ускуналар, халқ истеъмоли моллари ва бошқалар қўйилмоқдаки, мазкур товарлар халқаро биржа амалиётида биржа фаолияти

(вари) бўла олмайдилар. Бунинг оқибатида асосланмаган тасодиқий нархлар вужудга келиб, биржаларнинг бозор инфратузилмаси институти сифатидаги ролига путур етказилади.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида халқаро тажриба, айниқса, АКШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Бразилия, Ҳиндистон, Қимматли қозғалар бўйича Халқаро комиссия (International organization of securities commissions — IOSCO) ҳамда МДХ мамлакатларидаги соҳага тааллуқли қонунчилик тўлиқ ўрганилиб, миллий ва халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда биржа соҳасига оид «биржа фаолияти», «биржа товари», «биржа листинги», «котировка» каби тушунчалар аниқлаштирилди. Шунингдек, янги тахрирда

кўйидаги меъёр билан тўлдирилмоқда: «Биржалар ўз фаолиятини товар-хон ашё, фонд қўлланиб келинаётган «котировкалаш», «трейдер», «маркет-мейкер», «дилер», «брокер» биржада нархларни манипуляция қилиш, биржа товарларига доир ҳосила молиявий воситалар (деривативлар), «валюта свооплари» сингари тушунчалар киритилиши қонунчиликни биржиллаштириш, биржалар ва биржа фаолиятини тартибга солиш соҳасида қонунни қўллаш амалиётининг ягоналиги таъминлашга риоя этилиши заруратидан келиб чиқиб, амалдаги қонуннинг 2-моддасидан «Ушбу қонун валюта биржасига нисбатан татбиқ этилмайди», «биржа товари», «биржа листинги», «котировка» каби тушунчалар аниқлаштирилди. Шунингдек, янги тахрирда

кўйидаги меъёр билан тўлдирилмоқда: «Биржалар ўз фаолиятини товар-хон ашё, фонд қўлланиб келинаётган «котировкалаш», «трейдер», «маркет-мейкер», «дилер», «брокер» биржада нархларни манипуляция қилиш, биржа товарларига доир ҳосила молиявий воситалар (деривативлар), «валюта свооплари» сингари тушунчалар киритилиши қонунчиликни биржиллаштириш, биржалар ва биржа фаолиятини тартибга солиш соҳасида қонунни қўллаш амалиётининг ягоналиги таъминлашга риоя этилиши заруратидан келиб чиқиб, амалдаги қонуннинг 2-моддасидан «Ушбу қонун валюта биржасига нисбатан татбиқ этилмайди», «биржа товари», «биржа листинги», «котировка» каби тушунчалар аниқлаштирилди. Шунингдек, янги тахрирда

кўйидаги меъёр билан тўлдирилмоқда: «Биржалар ўз фаолиятини товар-хон ашё, фонд қўлланиб келинаётган «котировкалаш», «трейдер», «маркет-мейкер», «дилер», «брокер» биржада нархларни манипуляция қилиш, биржа товарларига доир ҳосила молиявий воситалар (деривативлар), «валюта свооплари» сингари тушунчалар киритилиши қонунчиликни биржиллаштириш, биржалар ва биржа фаолиятини тартибга солиш соҳасида қонунни қўллаш амалиётининг ягоналиги таъминлашга риоя этилиши заруратидан келиб чиқиб, амалдаги қонуннинг 2-моддасидан «Ушбу қонун валюта биржасига нисбатан татбиқ этилмайди», «биржа товари», «биржа листинги», «котировка» каби тушунчалар аниқлаштирилди. Шунингдек, янги тахрирда

# Жараён

## Маслакдошларимиз сафи яна 41 нафарга кенгайди

**O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ўндан зиёд партиявий лойиҳа Навоий вилоятда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудларда янги иш ўринлари ташкил қилиш, ёшларда бизнес кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётир**

**Мансур АСЛОНОВ,**  
«XXI asr»

Вилоят Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, Солиқ бошқармаси, Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси, «Агробанк» ҳамда «Микрокредит-банк» филиаллари мутасаддилари иштирокида ўтказилган «Муқдор оила» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарда ана шу ҳақда сўз юритилди.

Семинар давомида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, яратилган имтиёз ва преференциялар, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари», «Аграр соҳа тармоқлари (чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балкичилик, иссиқхона ҳўжалиги, богдорчилик, сабзавот ва поливчилликда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ҳамда юритиш», «Ўзбекистонда банк-кредит сисёати, имтиёзли кредит турлари, тегишли ҳўжатларни расмийлаштириш ва юритиш масалалари», «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий биз-

нес билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— Тингувчилик сирларини ўрганиб, яқка тадбиркор сифатида иш бошлагандим, — дейди карманалик Шаҳноза Аҳмедова. — Бугун лойиҳа доирасида 10 миллион сўм миқдорда кредит олиш ҳўқуқини берувчи сертификат соҳиб бўлдим. Опам Наргиза, сингилларим Гулбахор ва Дилноза, шунингдек, маҳалламиздаги ўнга яқин киз ёнимда туриб, «устоз-шогирд» аънъаналари асосида касб синаотларини ўзлаштиришмоқда. Олинадиган кредит ҳисобига оилавий корхонани янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатилётган хизмат сифатини ошириш асосий мақсадимдир.

Очк мулоқот тарзида ўтган ўқув-семинар давомида тушган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга банклардан имтиёзли кредит олиш ҳўқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Шу тариқа «Муқдор оила» лойиҳаси навоийлик тадбиркорлар сафини 41 нафарга кўпайтирилгани алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

## Экспортга йўналтирилган ҳаракатлар



Айни пайтда Қашқадарё вилоятда фаолият кўрсатаётган 526 та асаларичилик субъектида 37251 та асалари оиласи парваришланмоқда. Бундан ташқари 200 дан ортиқ хонадонда асал етиштирилишти. Ўтган йили уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 612 тонна маҳсулот

олинган бўлса, эндиликда мазкур кўрсаткични 750 тоннага етказиш режалаштирилган.

— Соҳани янада ривожлантиришга қаратилган 40 та лойиҳа учун жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан жами 1 млрд. 58 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди, — дейди «Қашқадарё асали» масъулияти чекланган жамият раиси Карим Хонназаров. — Умуман олганда, воҳа шароитида ҳар бир оиладан 4 марта асал олиш мумкин. Бунинг учун, энг аввало, асалари оилаларини аниқ ҳисоб-китоб асосида, ўсимликларнинг гуллашига қараб жойлаштириш керак. Ана шунда нафақат ички бозорни тўлдириб, балки экспорт қилиш имконияти ҳам кенгайди.

«Қашқадарё асали» мутасаддилари асални бежирим идишларга қадоклаш орқали қўшни мамлакатлар бозорига чиқариш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборишганини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари мазкур МЧЖ қошида асалнинг сифати, асаларининг касаллигини аниқлаш ва даволаш, сунъий частиштиришни йўлга қўйиш мақсадида илгор технологияларга асосланган лаборатория ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

**Сайфулла ИКРОМОВ.**

## Жиззах қиёфаси ўзгармоқда

2012-2017 йилларга мўлжалланган дастур асосида вилоят марказида кенг қўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари давом этирилмоқда. Хусусан, Жиззахнинг асосий кўчалари бўйлаб замонавий дизайн асосида барпо этилаётган 40 та кўп қаватли турар-жой биноси шаҳар инфратузилмасини бутунлай ўзгартириб юборяпти.



— Дастурга мувофиқ, шаҳар марказий деҳқон бозори ҳам қайта реконструкция қилиниб, 1152 та савдо растаси ва 49 та турғун савдо шохобчаси янгитдан қурилади, — дейди вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси раҳбари Мираҳмад Қоратоев. — Ҳозирги кунда бозор ҳудудида ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда. «Туркистон-пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида шаҳарда бир қатор иншоотлар, хусусан, 10 минг ўринли стадионни фойдаланишга топшириш кўзга тўтилан.

**Ш.ХўҲАЕВ.**

## ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Эй биродар, агар бахт-саодат истасанг, маманликдан ишроқ бўл, ҳиқматли сўзларни соқинлик билан тингла, такаббурлик, адоват, гиначчиликдан ҳазар қил».

**Жалолддин РУМИЙ.**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада



**Мухлиса АКРАМОВА,**  
O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари

Улар фаоллигини янада ошириш эса олдимизда турган энг муҳим вазифадир. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланганидек: «...аёлнинг жамиятдаги роли ва нуфузини юксалтириш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, улар учун янги иш ўринлари ташкил қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш» бугунги кунда ҳам устувор аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу аёлга ахтир ва эъзозинг замонавий талқини, қолаверса, инсон, жамият, шахс ва оила ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг табиий уйғунлиги ифодаси ҳамдир.

Ана шу нуқтани назардан келиб чиққан ҳолда, O'zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий билимларини бойитиш, тадбиркорликка оид илгор ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш сингари кенг камровли вазифаларни ўз ичига олган партиявий лойиҳалар тайёрлаб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Масалан, «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳасига 2012-2013 йилларда 20 мингдан ортиқ хотин-қиз жалб этилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур лойиҳа доирасида жойларда ўтказилган 300 дан ортиқ ўқув-семинарда 19 минг 746 нафар хотин-қиз қатнашди. Туман (шаҳар) босқичларининг фаол иштирокчиларига 442 млн. 600 минг сўм миқдорда кредитлар берилди, 71 та янги иш ўрни яратилди. Вилоят босқичида голиб чиққан 350 нафар тад-

биркорнинг бизнес-режаси молиялаштириш учун тижорат банкларига тақдим этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асосан чекка қишлоқларда яшаётган хотин-қизлар учун «Соғлом оила — мустақам оила» лойиҳаси доирасидаги тадбирларда партияимиз мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш билан биргаликда ҳамкор ташкилотлар кўмағида бепул тиббий кўриклар ташкил этилишига эътибор қаратилаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу лойиҳа доирасида 15 минг 398 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

O'zLiDeP Ҳаракат дастури ва Низомида «Хотин-қизларда миллий гуруҳ, Ватанга садоқат, қадриятларга ҳурмат туйғулларини уйғотиш уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ақл-заковатини улугвор ишларга йўналтириш, шунингдек, келажақда оилада, ҳаётда, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиди», деб алоҳида белгилаб қўйилган. Бугун сафдо, инсон, жамият, шахс ва оила ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг табиий уйғунлиги ифодаси ҳамдир.

Иқтидорли қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш мақсадида ташкил этилган ижтимоий-сиёсий тадбирлар натижасида Зулфотини номидаги Давлат муқофоти совриндорларидан 58 нафари O'zLiDeP сафига қўшилгани эса партияимиз голяри нафақат ишбилармон ва тадбиркорлар, балки интеллектуал салоҳият эгаларини ҳам қизиқтираётганидан далолатдир. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг соҳага оид билимларини янада ошириш, чекка қишлоқларда кенг аҳоли қатламлари, хусусан, хотин-қизлар ҳаётини янада яхшироқ қилиш мақсадида «Фермер ҳўжалиқларини иқтисодий муолиявий жиҳатдан мустақамлаш, уларни кўп тармоқлига айлантиришнинг реал им-

# Мунтазам изланишни талаб этадиган фаолият



кониятларидан унумли фойдаланиш масалалари», «Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч», «Тадбиркорлар, фермерлар — иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг мустақам асоси», «Аёлларни кичик бизнес, тадбиркорлик ҳамда фермерликка жалб этиш: муаммо ва ечимлар» каби мавзулардаги ўқув-семинарлар, амалий мулоқот ва давра суҳбатларида 2114 нафар фермер хотин-қиз иштирок этгани ҳам O'zLiDeP илгари сураётган голяр ҳар бир аёл қалбига истақлар билан уйғунлигидан далолат бериб турибди.

Шу ўринда эришилаётган ютуқлар хотиржамликка асос бўла олмаслигини алоҳида таъкидлашни истардим. Бунга партиянинг ўн йиллик тарихига назар ташлаган, унинг фаолият мезонини қиёслаган ҳар қандай инсон англаб етиши, ҳис этиши табиий. Айтайлик, бундан ўн йил олдинги аъзоларимизнинг 45767 нафарини аёллар ташкил этган бўлса, 2009 йилда 60685 нафар, 2013 йилга келиб эса уларнинг сони 67627 нафарга етган. Жорий йилнинг ўтган даврида либерал голярини қўллаб-қувватловчи аёллар сони 16 минг 700 нафардан ортиди. Бу, ўз навбатида, жорий йилда партияимизнинг ҳудудий бўлимига қўйилган каби Аёллар билан ишлаш бўлими ҳамда унинг

ҳудудий кенгашлардаги бўлимларида ҳам аниқ белгилаб олинган режа асосида бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўришга қатъий қиришилганини, бу борада фаол иш олиб борилаётганини кўрсатади. Бироқ танганинг икки томони бўлганидек, бундай қиёсий таҳлил O'zLiDePга эргашаётган, унинг мақсад ва голярини ўз ҳаёти, фаолиятига сингдиришни истаётган оилавий тадбиркорликнинг ҳали жойларда минглаб топилиши мумкинлигини, бунинг учун омма орасига чуқурроқ кириб бориш лозимлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан ҳудудлардаги назорат-таҳлил ишлари O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими тавсия ва ташаббусига асосан жамоатчилик эшитувчи асосида олиб борилаяпти.

Хусусан, белгиланган режа асосида май, июнь, июль ойларида республикамизнинг 5 та ҳудудида ана шундай жамоатчилик эшитувчи бўлиб ўтди. 2014 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ ҳудудларда аёллар йўналиши бўйича бажарилган ва бажа-

рилиши лозим бўлган вазифаларнинг ижроси юзасидан Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида аҳоли билан бўлиб ўтган учрашувларда масъул шахсларнинг ҳисоботи тингланб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан тегишли хулоса чиқарилгани халқ ва партия ўртасидаги ишончни мустақамлаяпти.

Кейинчалик ана шу тажрибани Навоий вилоятининг Қизилтепа, Андижон вилоятининг Олтинкўл туманлари кесимида қўллаш орқали ечимини кутиб турган бир қатор муаммолар жойида хал қилинди. Айни пайтда ҳудудий кенгашлар билан биргаликда бу каби учрашувларни барча вилоят ва туманларда ўтказиш устида иш олиб боришмоқда. Аёллар йўналишидаги бундай ёндашув фаолиятимизни сезиларли даражада жонлантирилганини тан олишимиз ва бундай қайноқ фаолият мезонини сақлаб қолишимиз лозим. Чунки партиявий фаолият тинимсиз изланишлардан иборатдир. Айниқса, бўлажак сайловлар арафасида сиёсий куч атрофида бирлашган ҳар бир сафдошимиз зиммасида та ҳудудида ана шундай жамоатчилик эшитувчи бўлиб ўтди. 2014 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ ҳудудларда аёллар йўналиши бўйича бажарилган ва бажа-

## Қишлоқ мулкдорининг ҳиммати

Чортоқ туманидаги «Салоҳиддин Мамажонов» фермер ҳўжалиги Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шарофати билан жорий йилда кўп тармоқли субъектга айлантирилди.

— ОАТБ «Агробанк» туман бўлимида 250 миллион сўм кредит олдим, — дейди фермер Раҳимиддин Мамажонов. — Ушбу маблағ эвазига етти хазинанинг бири бўлган паррандачиликни йўлга қўйдим. Хориждан 15 мингта зотли жўжа келтирилди. Истиклолимизнинг 23 йиллик байрами арафасида ҳамқишлоқларимни текин парранда гўшти билан сийлаш ниятидаман. Фермер ҳўжалигида паррандачилик йўлга қўйилиши туфайли 5 та янги иш ўрни яратилди. Бандлиги таъминланганларнинг барчаси коллеж битирувчиларидир.

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ.**

## Лойиҳа иштирокчилари бизнесни бошлашди

**O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳаси доирасидаги «Кичик бизнес соҳасида хизмат кўрсатиш ва сервис улушини янада ошириш масалалари» мавзусига оид давра суҳбатда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги конунда белгилаб қўйилган имтиёз ва қулайликлар хусусида батафсил сўз юритилди**

### Ўз мухбиримиз

Тадбир иштирокчилари ҳузурда сўзга чиққан O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Ф.Аминов, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси вилоят бўлими раиси Д.Аҳмедова, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси экспорт бўлимининг бош мутахассиси Ж.Хусенов хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий

асослари, яратилган шароит ва преференциялар, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари, юридик шахс ташкил этмасдан бизнес билан шуғулланувчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари ҳақида маълумот берди.

— Бу йил Вобкент маийши хизмат касб-хунар коллежини битирдим, — дейди лойиҳани вилоят босқичи иштирокчиларидан бири Мубина Некбоева. — Оиламиз аъзолари кўмағида келгусида пар-

рандачиликни йўлга қўйиш ниятим бор. Бугунги давра суҳбатига олган тушунчаларим бўлажак фаолиятимда асосатди, деб ўйлайман.

Эътиборлиси, партиявий лойиҳанинг бу йилги шаҳар, туман ва вилоят босқичларида иштирок этганларнинг 100 нафардан зиёди айни пайтда тадбиркорликнинг муайян йўналишлари бўйича мустақил иш олиб бораёпти.

Маълумотларга қараганда, бухоролик тадбиркор аёллар-

дан 4917 нафари ўз ҳисоб-ракамларини очган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида яқка тартибда иш юритилган хотин-қизларга тижорат банкларидан 4947,4 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган.

Тадбир сўнггида истиқболли лойиҳаларни алоҳида эътироф этилган бир гуруҳ қатнашчиларга тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳўқуқини берадиган сертификатлар топширилди.

**Мухаббат РАВШАНОВА,**  
«XXI asr»

Музей мутасаддилари ташаббуси билан ташкил этилган матбуот анжуманида ана шу тарихий объектларни томоша қилиш учун жорий йилнинг биринчи ярмида қарийб 810 минг нафар сайёҳ ташриф бўйрғани, уларнинг 150 минг нафардан зиёди хориждан келгани алоҳида таъкидланди. Мутахассисларнинг маъ-

лум қилишича, айни пайтда музей-қўриқхонада сақланаётган ашёларни SKM-MUZEY дастури асосида ягона каталогга йиғиш йўлга қўйилган. 3D формати бўйича яратилган Мирзо Улуғбек виртуал музейига ташриф буюраётганлар сони тобора ортиб бораёпти. Афросиёб музейидаги Варҳуман саройининг виртуал нусхасини яратиш билан бирга девордаги суратларни таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда. Бундан ташқари Хўжа Дониёр мақбараси, Абу Мансур ал Мотурудий ва «Чор-

чинор» мажмуалари, Нуробод туманида жойлашган Ҳазрати Довуд иншооти, Иштихон, Пахтачи туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳридаги музейларда ҳам муқаммал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Эътиборлиси, Самарқандда олиб борилаётган ана шу бунёдкорлик ишларини яққол акс эттириш мақсадида шаҳарда «Обод шаҳарда — фаровон ҳаёт», «Жонажон диёр» ҳамда «Самарқанд: кеча ва бугун» каби фотокўргазмалар ташкил этиляпти.





# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 7-avgust, payshanba, 31 (559)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi\_asr@mail.ru

## «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклигининг энг яхши тажрибаси» танлови тўғрисида ЭЪЛОН

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТларнинг фуқаролик жамияти бошқа институтлари, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари билан соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳалари ва шу каби ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалаларни ечишга йўналтирилган давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги самарали ижтимоий ҳамкорлигини аниқлаш, ННТларнинг бу борадаги фаолиятини рағбатлантириш ва оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклигининг энг яхши тажрибаси» танловини эълон қилади.

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига эркин шаклдаги хат;
2. Ташкилот аълини идораларида рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
3. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзоликни тасдиқловчи маълумотнома (агар ЎзННТМА аъзоси бўлса);
4. Ижтимоий шериклик асосида амалга оширилган ишлар (ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган иш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этишда ННТ иштироки, турли комиссиялар, ишчи гуруҳлар, жамоатчилик назоратидagi ННТ иштироки, давра суҳбати, акция ва бошқа тадбирларнинг ОАВда ёритилиши, шунингдек, мазкур тадбирлар натижасида эришилган ютуқлар) ҳақида батафсил маълумот (5-10 бет);

**Тақдирлаш шакли:**  
Биринчи ўринга — компьютер комплекти;  
Иккинчи ўринга — ноутбук;  
Учинчи ўринга — фотоаппарат.  
Шунингдек, турли йўналишлар бўйича рағбатлантирувчи дипломлар, сертификатлар ва қимматбаҳо мукофотлар топширилади.

**Танловга ҳужжатлар 2014 йилнинг 5 августидан 1 октябрга қадар қабул қилинади.**

Танловга ҳужжатлар конверт (А4 формат)да Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (Тошкент шаҳри, 100047, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй)да қабул қилинади. Ҳужжатларни қабул қилишда почта штемпелидаги жўнатиш санаси инобатга олинади. Ҳужжатлар тўғридан-тўғри топширилганда, аризалар Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондида шанба ва яшанбадан ташқари ҳар куни соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача қабул қилинади. Барча ҳужжатлар Times New Roman шрифтида, 14 келга расмийлаштирилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.ngo.uz сайти ёки (+99871) 233-52-41 телефон рақами орқали олиш мумкин.  
**Танлов ташкилий қўмитаси.**



## Микдор ошиб, муддат узайса...

**О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши Савдо-саноат палатаси, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда партия қуйи бўғинлари билан ҳамкорликда Тайлоқ туманида «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳалари доирасида «Аёлларни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликка жалб этиш» мавзусида давра суҳбати ўтказди**

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, мазкур лойиҳаларнинг 2014 йилдаги туман (шаҳар) босқичларида фаол иштирок этган қатнашчилардан 15 нафарига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Кези келганда, 2013 йилда «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирларда вилоят миқёсида 532 нафар хотин-қиз иштирок этгани, шундан 25 нафарига тижорат банклари томонидан 558 млн. 770 минг сўм миқдорида кредитлар ажратилиши натижасида 63 та янги иш ўрни яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Жумладан, 21 млн. 300 минг сўм миқдорида имтиёз-

ли кредит олган Булунғур туманидаги «Алия она» фермер хўжалиги раиси Алия Мисирова аҳолини арзон ва сифатли картошка маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Фермер аёл бугунги кунда касб-хўнара коллежи битирувчиларидан 5 нафарига касб сирларини ўргатапти.

Нарпайлик Насиба опа Равшанова 65 млн. сўм миқдоридagi кредит эвазига тикувчилик цехи ташкил этиб, 20 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган бўлса, лойиҳанинг жорий йилги саралаш босқичида фаол иштирок этган Самарқанд туманилик Хоним Маматова кондитер ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 95 млн. сўм, Дилафруз

Фозилова тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаш учун 99 млн. сўм миқдоридagi кредит олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйдилар.

Тадбирда кичик бизнес ва сервис соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаолиятини ошириш, марказдан олисда жойлашган аҳоли пунктларида истикомат қилувчи аёллар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, молия муассасаларидан ажратилган кредит маблағлари миқдорини ошириш ҳамда муддатини узайтириш, шунингдек, айни жараёнда БПТлар иштирокини кенгайтириш лозимлиги ҳам таъкидланди.  
**О'zLiDeP Матбуот хизмати.**

## Замонавий АКТ ва бизнес



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари Р.Каримов, П.Свешников, шунингдек, юқоридagi олинган субъектлар мутахассислари хусусий сектор вакиллари ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларга яратилган қулайликлар, замонавий АКТ имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ жараёнлар тўғрисида муфассал сўз юритдилар. Соҳа мутахассислари тадбиркорлар саволларига жавоб қайтариш асосида бизнесни муваффақиятли юритишда АКТнинг тутган ўрни юзасидан амалий маслаҳатлар беришди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «URICOM» адвокатлик фирмаси, «Komtech» МЧЖ, «Yagan Consulting» аудиторлик компанияси, «Бегим-бегийим» ўқув марказида иш юритаётган О'zLiDeP бошланғич ташкилотларининг ташаббуси партия туман кенгаши томонидан тула қўллаб-қувватланди. Бундай изчил ҳамкорлик натижасида «Тадбиркорлик фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда савдо-хизмат кўрсатиш соҳалари самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида семинар уюштирилди.

## Тахтақўпирдаги кўп тармоқлилар

О'zLiDeP Тахтақўпир туман кенгашининг қуйи бўғинлар билан биргаликда ўтказилган ташвиқот тадбирлари аудиторияси тобора кенгайиб бораётган. Партия дастурий ғоя ва мақсадларига чинакам хайрихоҳ бўлган тадбиркорлар, мулк эгалари янги БПТлар атрофида бирлашган ҳам шундан. Ана шу жараёнда «Қаҳрамон-Тахта» фермер хўжалигида ҳам 11 аъзодан иборат таянч тузилмага асос солинди.

— Айни кунларда Юртбошимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси билан боғлиқ ишлар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати уюштиришга ҳозирлик кўраёмиз, — дейди БПТ етакчиси У.Дуйсенбаев. — Маҳаллий бошқарув органлари, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи тузилмалар вакиллари ва депутатлар таклиф этиладиган бу тадбир муайян маънода сиёсий куч ва имкониятларимизни синовдан ўтказди. Мулоқотда асосий эътибор кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантиришга оид масалаларга қаратилиши мўлжалланяпти. Zero, туманимизда бундай субъектлар сонини янада кўпайтириш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун етарли имкониятлар бор.

## Келажакка сармоя

Мирзачўл қишлоқ хўжалик касб-хўнара коллежида ташкил қилинган «Ёшлар — овоз ва обод Ватанимиз келажиги» мавзусидаги очик мулоқот ижобий натижалари билан ёлда қолса, ажаб эмас. Бир гуруҳ БПТлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда коллеж битирувчилари, ёш тадбиркор ва фермерлар О'zLiDeP Сайловолди дастуридан ўрин олган устувор вазифалар — йиғит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, касбий, ижодий ва мансаб пиллапозияларидан кўтарилишлари учун зарур шарт-шароит яратиш йўналишида амалга оширилган кенг қамровли партиявий лойиҳалар тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўдилар.

Маҳаллий кенгашлар депутатлари, ёшлар билан иш олиб борувчи жамоат ташкилотлари вакиллари маърузаларида ҳам моҳиятан ягона мақсад, яъни «Ёшлар салоҳиятини ўстириш келажакка сармоя киритишдир», деган муҳим ғоя илгари сурилди.

## Энг яхши жавоб

Нуробод туманидаги Агрон ва Навбахор қишлоқларида яшовчи 6 мингдан зиёд аҳоли яқин-яқингача ташиб келтирилган ичимлик сувини истеъмол қиларди. Ҳудуддаги фермер хўжаликларидagi тузилган О'zLiDeP таянч тузилмалари фаоллари, айниқса, Муҳаммад Абдулганиев, Зоир Одилов ташаббуси билан мазкур муаммо халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи муҳокамасига олиб чиқилди. Масала йиғилишида кўриб чиқилган, Холмурод Сориев тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови билан мурожаат этди. Натижада бюджетдан 273 млн. сўм ажратилиб, артезиан қудуғи қазилди ва оби ҳаёт қувурлар орқали ҳар бир хонадонга етказилган бўлди.

— Катта-ю кичик учрашувлар, очик мулоқотларда одамлар «Партия турмушимиз янада фаровонлашуви учун қандай кўмак бера олади?» каби саволлар билан бизга мурожаат қилишади, — дейди БПТ аъзоси М. Абдуганиев. — Шу сингари аниқ амалий ишлар эса уларнинг саволларига энг яхши жавоб, деб ўйлайман. Айни пайтда бундай хайрли ташаббуслар О'zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар собитқадамлик билан ҳаётга таъбиқ этилаётганидан далолат беради.

**М.РАВШАНОВА.**

## Эғалик ҳуқуқи

Мамакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш энг долзарб вазифалардан биридир. Zero, кичик бизнес миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади.

Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги «Юксак қурилиш таъмир» хусусий корхонасида фаолият юритаётган қуйи бўғинда ўтказилган «Истиқлол шарофати билан мулкдор бўлдим» мавзусидаги очик мулоқотда партия фаоллари ва ишбилармонлар ана шу фикрни илгари сурилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур БПТ фаоллари Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда шу туркумдаги тадбирлардан яна бир нечасини ташкил қилишни режалаштирганлар.

## ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Одамнинг умри аввалида қилган ишлари умрининг охиридаги ишларига ҳам далолатдир».

*Абулқосим АЗ-ЗАМАХШАРИЙ.*

## Электорат эътиборига ҳавола

**О'zLiDeP Сирдарё туман кенгаши таркибидаги бошланғич ташкилотлар томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қатор ғоявий-сиёсий тадбирлар ўтказилмоқда**

Хусусан, «Саломат-ало-мат» оилавий корхонасида иш юритаётган қуйи бўғин фаоллари ташаббуси билан ташкил этилган «Оилавий бизнес — мустақиллик берган имкониятлардан бири» мавзусидаги давра суҳбати сўзимиз исботидир.

Партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ш.Бозорбоева, Аёллар билан ишлаш бўлими мудир И.Д.Каримова, «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Гулистон шаҳар бўлими раҳбари Г.Улма-

сова «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга асосан иқтисодий-иқтисодий хўжалик юритишнинг оилавий корхоналар шаклидаги янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилгани, уларга кенг имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар берилганлиги, натижада минг-минглаб хотин-қиз ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинган, О'zLiDeP эса бу йўналишга алоҳида эътибор қаратаётганини қайд этдилар.

Тадбир қатнашчилари оилавий тадбиркорлик ривожланишига тўсиқ бўлаётган айрим камчилик-нуқсонларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ҳам билдирдилар. Очик мулоқотнинг Сирдарё вилоят телевидениеси, «Диёр» ахборот дастурида ёритилганлиги эса мазкур мавзуга электорат вакилларининг кенг аудиторияси эътиборини қаратиш имконини берди.

**Б.ИСРОИЛОВ.**

## РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

**2014 йилнинг 1 июль ҳолатига 5 НАФАРДАН 29 НАФАРГАЧА партия аъзосини бирлаштирган О'zLiDeP бошланғич ташкилотлари республикамиз бўйича 7896 ТАНИ ёки жами БПТларнинг 86 ФОИЗИНИ ташкил этмоқда. Айни пайтда 30 ДАН 100 НАФАРГАЧА аъзоси бўлган 1080 ТА, 101 ДАН 200 НАФАРГАЧА маслакдошимизни жипслаштирган 119 ТА, 201 НАФАРДАН 500 НАФАРГАЧА фаол рўйхатга киритилган 65 ТА ҳамда таркибида 501 НАФАРДАН 1500 НАФАРГАЧА аъзоси бўлган 11 ТА партия қуйи тузилмаси фаолият юритаётди.**

## Ҳисобот йилда бир марта топширилади

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва либераллаштиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахслардан олинмаган фойда солиғи ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганлиги айни мuddао бўлди. Бунинг натижасида жорий йил ҳисобидан фақатгина Бухоро вилояти корхоналари ихтиёрида 2,6 миллиард сўм қўшимча маблағ қолиши кутиляпти

Асхор ИСТАМОВ



Энг муҳими, ўн йилдан ортиқ бўлмаган мuddатда фойдаланилган машина-механизмлар ва асбоб-ускуналар мулк солиғидан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари эса бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга 3,5 фоизлик мажбурий тўловдан озод қилинди. Қолаверса, **қасаначилик, хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик тузилмалари, гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун солиқ имтиёзлари мuddати ўзайтирилганлиги ҳам иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

O'zLiDePнинг парламентдаги фракцияси, вилоят партия кенгаши ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида ўтказилган «Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда солиқ сиёсатининг аҳамияти ва солиқ тизимини янада такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги семинар-тренингда ана шулар хусусида фикр билдирилди.

Тадбирни O'zLiDeP вилоят кенгашининг раиси Фармон Аминов кириш сўзи билан очар экан, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларига ялпи қиймати 25,5 миллиард сўмлик 86 та давлат актини сотилгани, банклар томонидан 4,8 триллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилганини таъкидлади. Бу 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигига қараганда 1,3 баравар кўпдир. Жойларда ишбилармонлик муҳитининг яхшиланаётганлиги ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, миллий иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш имконини бермоқда.

Бухоро вилояти мисолида оладиган бўлса, 2000 йилга нисбатан кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 55,8 фоизга

осганлиги қувонарли ҳолдир. Айни кунда ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 75 фоиздан кўпроги айнан кичик бизнес соҳасида хизмат қилмоқда. Қолаверса, ишлаб чиқарилаётган жами sanoat маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи хусусий сектор улушига тўри келади.

Семинар-тренингда тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари, кейинги йилларда солиқ қонуничилигига киритилган қўшимча ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

— Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, шунингдек, «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-ботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракция-

си аъзоси Шароф Амонов. — **Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, барқарор ўсиш сўрашлари ва ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказиш учун белгиланган мораторий мuddати 2017 йилнинг 1 январига қадар ўзайтирилдики,** бу моҳият-эътибори билан юртимизда иқтисодий муносабатларни либераллаштириш, эркин тадбиркорликни янада ривожлантириш имконини бермоқда. Қолаверса, 2015 йилдан бошлаб кичик бизнес субъектлари томонидан статистик ҳисоботларни йилга бир марта топшириш тартиби жорий этилганлиги ҳам айни мuddао бўлди.

Вилоят давлат статистика бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ғиёсовнинг фикрича, «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-ботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан молия, солиқ, статистик ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ҳамда тақдим этиш, лицензия ва рухсатнома характе-

рига эга бўлган ҳужжатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғимлар, давлат божларини интернет-банкнинг тизими орқали тўлаш тартиби йўлга қўйилганлиги бизнес субъектлари учун катта қулайлик яратмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайлида бошқарма расмий веб-сайтга 78 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган.

Тадбирда Бухоро шаҳридаги «Ўқтам-КО» хусусий корхонаси раҳбари Ў.Бақоев, халқ депутатлари Бухоро туман кенгаши депутати Б.Избуллаев, Марказий банк вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи У.Исломов ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибдаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар-тренинг давомида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, солиқ тизимини янада такомиллаштириш, жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилган муҳим тақлифлар ўртага ташланди, тушган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

## Ижтимоий шерикликнинг янги қирралари

Бугун мамлакатимиздаги мавжуд 7 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жамиятда демократик кадрятларни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга муносиб ҳисса қўшяпти

Рисолат МАДИЕВА, «XXI asr»



Бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида ЎзННТМА «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг 113-бандида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида давлат ижтимоий буюртмаси асосида ишлаб чиқилган иккита лойиҳа устида иш олиб борди. «Давлат органлари ва ННТлар ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ННТларни жалб этиш», «Худудий ННТларни ривожлантириш бўйича ҳуқуқий, ахборот-ўзлашув ва консултив қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини такомиллаштириш» лойиҳалари тегишли вазирлик ва идоралар томонидан қўллаб-қувватланиб, ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандумлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмағида амалга оширилаётган мазкур лойиҳалардан қўзланган асосий мақсад турли соҳалардаги мутахассисларнинг давлат ташкилотлари ва ННТлар ўртасида ижтимоий шерикликнинг меканизмларини ўрганиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишни таъминлашдан иборат.

Ушбу лойиҳалар миллий ассоциация томонидан бир неча йиллардан бери аънаваный тарзда ўтказиб келинаётган «ННТлар миллий форуми» иштирокчилари тақлифлари асосида ишлаб чиқилгани ҳам эътиборга молиқдир. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий аҳамиятга оид бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган грантлар ҳам йил сайин ортиб бораётир. Хусусан, **2012 йилда фонд томонидан 163 та лойиҳа учун 2300,4 млн. сўм, 2013 йилда эса 193 та лойиҳага 2706,5 млн. сўм маблағ ажратилди.**

Бундай натижаларга эришишда «учинчи сектор»нинг

эркин фаолият юритиши учун яратилган ҳуқуқий база — «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «ННТлар фаолиятининг кафолатлари мустаҳкамлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ННТларни жалб этиш», «Худудий ННТларни ривожлантириш бўйича ҳуқуқий, ахборот-ўзлашув ва консултив қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини такомиллаштириш» лойиҳалари тегишли вазирлик ва идоралар томонидан қўллаб-қувватланиб, ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандумлар имзоланди.

Сирасини айтганда, ЎзННТМА Низомида белгиланган асосий вазифалардан бири — халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш соҳасида самарали фаолият юритишдир. Шу боис ассоциация БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, Европа Иттифоқи Комиссияси, JICA, Жаҳон Банки ва бошқа халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан яқин алоқада иш олиб бораётти. Хусусан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда «ННТлар салоҳиятини ошириш» лойиҳасини амалга ошириб келмоқда.

Ижтимоий шерикликнинг яна бир муҳим йўналиши — аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантиришга ҳисса қўиши бўлиб, айни пайтда ННТларнинг 18 фоизи бевосяита ушбу вазифа билан шуғулланмоқда. Масалан, ўтган 6 ой мобайлида ассоциация жойлардаги давлат органлари ҳамда

«Мулкдор оила» лойиҳаси доирасида қишлоқ аҳолисини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш, қасаначиликни ривожлантиришга қаратилган туркум давра суҳбатларини ўтказди. Лойиҳанинг май-июнь ойларида бўлиб ўтган туман босқичларида деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларига асосланган оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 3723 нафар талабгор иштирок этиб, улардан 975 нафари 30 дан зиёд йўналишда лойиҳанинг вилоят босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар босқичида 760 нафар иштирокчининг умумий қиймати 18 млрд. 445 млн. 250 минг. сўм ҳажмидаги бизнес-режасини молиялаштириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Бундан ташқари «Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида ўтказилган 30 дан ортиқ амалий мулоқот, давра суҳбатидан 4200 нафарга яқин тадбиркор ва фермер қатнашди. Ушбу тадбирларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш, соҳа тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳамда тадбиркор эркинлигини чеклаётган бир қатор муаммоларни бартараф этиш юзасидан O'zLiDePнинг аниқ позициясини шакллантиришга хизмат қилувчи 201 та амалий тақлиф ва ташаббус билдирилиб, улар умумлаштирилган ҳолда партиянинг парламент куйи палатасидаги фракциясига тақдим этилди.

Мухтасар айтганда, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг етакчи институтларидан бири ҳисобланмиш ННТлар фаолияти кенгайиб, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

## Синовлардан муваффақиятли ўтган тараққиёт йўли

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистони!» шиори остида махсус партиявий тадбир ўтказилди

Унда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг вилоят кенгаши фаоллари — тадбиркорлар, фермерлар, партия тарафдорлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимизнинг доно сиёсати туфайли халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамастан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонат, истиқлол гоёларига садоқатини намоян этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонди. Эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланди.

Бугунги махсус партиявий тадбирда бир ҳақиқат тан олинди, яъни тарихан қисқа даврда Ўзбекистон қандай ул-

кан ривожланиш йўлини босиб ўтганини баҳолашда «Ким эдигу ким бўлдиқ?» деган ҳаётий ҳақиқат асосий ва бош гоё сифатида белгиланди.

Партия фаоллари ва тарафдорлари Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — «ўзбек модели»нинг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижа бераётганлигига яқин фикр билдирдилар.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар, фаол инвестициявий сиёсат, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт коммуни-

кацияларини жадал ривожлантириш иқтисодиётимизнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишига хизмат қилган рақамлар мисолида тушунтириб бердилар.

Мустақиллик йилларида, айниқса, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати алоҳида эътибор қаратилгани туфайли унинг иқтисодиётдаги улуши ортиб бориб, давлат ва жамиятни ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллади.

O'zLiDeP Матбуот хизматида маълум қилишларича, тадбирда сўз олган партия фаол-

лари гуруҳ ва ифтихор билан мамлакатимиз раҳбариятининг демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини маълум қилдилар. Шунингдек, амалга оширилаётган ислохотларда фаол бўлиб, Ватанимиз тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда партиянинг қатъий позицияси ҳар бир фуқаро ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтдилар.

**Фанишер ТОҶИРОВ, «Туркистон-пресс».**

### ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Илмининг аввали сукутдир. Кейингиси тингламоқ, сўлғи уни асрамоқдир. Тўртинчиси унга амал қилмоқ, бешинчиси уни ёймоқдир».

Сўфёни САВРИЙ.

## Маданий мерос муҳофазаси

Темурийлар тарихи Давлат музейида «Маданий меросни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, номоддий бойликларнинг умрбоқийлигини таъминлашда давлат органлари билан бирга ННТлар фаол иштирок этиши зарур бўлган йўналишлар кўриб чиқилди.

Жумладан, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги қонунлар, Вазиirlар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари олдига қўйилган устувор вазифалар хусусида сўз юритилди.



## Сентябрда қайтади

Ушбу ичимликни хуш кўрувчилар энди ҳориждан келтирилган «кола»ларни дўконна-дўкон қилириб юрмайдиган бўлиши. Podrobno.uz. сайтининг хабар беришича, маҳаллий ишлаб чиқарувчи — «Coca-Cola Ichimlik Uzbekiston LTD» вақтинча тўхтаб турган линияларини сентябр ойидан ишлата бошлайди.

Маълумотларга кўра, айни пайтда компания мазкур ичимликни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёларни тайёрламоқда. Эслатиб ўтамиз, компания «Coca-Cola»дан ташқари «FuzeTea» чойи, шунингдек, «Fanta», «Sprite» номли газли ва «Вит» номли энергетик ичимликларини ҳам ишлаб чиқаради.

## МТС алоқани тикламоқчи

МДХ давлатларида фаолият кўрсатувчи етакчи телекоммуникация оператори — «Мобильные Теле Системы» ОАЖ мазкур компания (яъни МТС) ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида келишув имзоланганини маълум қилди. Компания мамлакатимиз ҳудудида давлат улуши иштирокида ташкил этиладиган қўшма корхона орқали мобиль алоқа хизматини йўлга қўйишни режалаштирди. Маълумотларга кўра, келишув бўйича МТС қўшма корхона низом жамғармасининг 50,01 фоизига эгаллик қилди. 49,99 фоизлик улуш эса Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги унитар корхонага тегиши бўлади.

# Огоҳ бўлинг, ахборот хуружи!

Қадимда инсоният ўз қудратини зирхланган суворийлар, камону ўқ-ёй билан намоён этган бўлса, кейинчалик замонавий қиргин қуролларига эга бўлган мамлакатлар дунёга ҳукмронлик қила бошлади. Бугунги кунга келиб эса ахборот хуружи асосий воситага айланди. «Кўзга кўринмас» мазкур жараён шу қадар кенгайдики, уни ҳатто ҳарбий куч орқали ҳам тўхтатиб бўлмапти

Ақбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI asr»

Бошқача айтганда, барча жабҳада ахборот технологиялари ва информатсион ресурсларнинг аҳамияти ортиб бораётди. Яъни муайян бир мамлакатнинг геосиёсий салоҳияти глобал миқёсда унинг ҳудудий жойлашуви, катта ёки кичиклиги, аҳолиси сони билан эмас, балки коммуникацион имкониятлари билан ҳам белгилана бошлади. Айниқса, ривожланган давлатларда ахборот технологияларини ишлаб чиқариш стратегия аҳамиятга эга соҳалардан бирига айланди.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳозирги пайтда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Масалан, БМТ ҳисоботида қайд этилишича, XX асрнинг 90-йилларида АҚШ аҳолисининг 60 фоизи ахборот билан ишлаш соҳасида банд бўлган. Ахборот тизими устидан ҳукмронлик эса ҳар қандай ҳукуматга жамоатчилик фикрини хоҳлаган ўзига буриб юбориш имконини бериш эндиликда ҳеч кимга сир бўлмади.

1996 йили АҚШда интернетдан кенг фойдаланилган ҳолда ўтказилган президент сайловларини олайлик. Ушунда энг олий лавозимга номзод Буш ҳам, Гор ҳам сиёсий мақсадлари ва шахсияти ҳақидаги барча маълумотларни ўз сайтига жойлаштирилган эди. Айни пайтда ҳукмрон партиялар ҳамда жамоатда ўз мавқега эга ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ҳам бу борада сайтлардан унумли фойдаландилар. Шу тарихи овоз берувчи халқ сайлов бошланганда туриб курашларга жалб этилганди. Мутахассислар уша пайтда 600 мингдан зиёд киши Буш ва Гор сайтлари билан танишганини айтишмоқда. 2000 йилги сайловлар арафасида эса интернет воситасида овоз бериш масаласи ўртага ташланди. Феникс, Сан-Диего ва Сакраменто шаҳарларида бу борада тажрибалар ўтказилди. Маълумотларга қараганда, 144 миллион америкалик бир йил ичида интернет орқали ўртача ўн соат турли харидорлар билан танишар экан. Бу эса худди газета, телевидение, радио ва журналлар каби интернет ҳам сайловчиларга таъсир ўтказишнинг кучли воситасига айланганидан дарак беради.

Айни пайтда бутун дунёда ахборот хуружининг асосий объекти сифатида ёшларга таъсир кўрсатишга қатъий киришилгани кенг жамоатчиликни ташвишга сола бошлади. Чунки номақбул ахборотни тарқатувчи объектни қўл билан «ушлаб» бўлмайди. У тўсиқларга парво қилмай, навқирон авлод онгини қисқа фурсатда эгаллаб олиши ҳеч гап эмас. Бу жараёнда интернет, мобил телефон, почта, ҳатто миш-миш тарзида тарқатилган гап-сўзлар ҳам аҳамият касб эта бошлади. Ахборот хуружида фактлар бузиб ёки уларнинг айрим жиҳатлари бўрттириб кўрсатилиши эса баъзан жуда хунук оқибатларга олиб келмоқда. Маълумотларга қўра, бугунги ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишга тўхтатишга тўхтади. Айни пайтда бундай ўқув лагерлари 250 тага етди. Вазият шу даражадаки, «виртуал беморлар»нинг кўпчилиги бевосита уларнинг ота-оналари илтимоси билан ўшбу муассасаларга жойлаштирилади.

Интернет орқали тарқатилган ахборотларнинг катта қисми бузғунчилик ҳаракатларини содир этишга ундаётгани эса ҳақиқий фожадир. Энг ёмони, бундай ахборот тарқатиш усулларида турли экстремистик гуруҳлар фойдаланиб келаётгани ақли расо кишиларни ташвишга соймай қўймайди. Бу жараёнда айрим сиёсий марказлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда агрессию мақсадларни кўзлаётгани ҳам сир эмас.

Юкоридагиларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, кечаги ахборот хуружлари бугунгисидан батамом фарқ қилмоқда. Яъни сунъий йўлдош, телевидение, интернет тармоқлари орқали турли бўҳтонлар маълум сониялар ичида тарқатилмоқда. Бунга футбол бўйича йигирманчи жаҳон чемпионати арафасида, суҳбатдошларнинг файли кулаб кетиши мумкинлиги ҳақидаги миш-мишлар муҳлислари ташвишга солгани табиий. Бахтсиз ҳодиса рўй берса, бунинг учун масъулиятни ким ўз зиммасига олиши билан боғлиқ бўҳтонлар авж олгани-чи? Боз устига мамлакатда иш ташлашлар, жардам, транспорт ҳодимларининг норозилик намойишлари, мусобақа бўлиб ўтадиган шаҳарларда нотинчлик ҳукм сураётгани ҳақидаги хабарлар Бразилия ҳукуматида қимматга тушди. Шундай хабарлар тўғрисида файли сайёҳлар оқими сезил

Интернет орқали миш-миш тарқатиш халқимиз манфаатларига зиён етказувчи, давлат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлиқни емирувчи жиддий муаммага айланганди», дейилади Хитой Интернет ассоциацияси томонидан тарқатилган баёнотда. Мазкур ташкилот интернетда фаолият юритувчи барча компанияларга миш-мишлар тарқатишнинг олдини олиш даъвати билан чиқди.

Чин юртида Twitter, Youtube ва Facebook каби ижтимоий тармоқлар анча фаол бўлиб, ёшларни йўлдан уришда асосий қурол вазифасини ўтаётган. Улар йўлига тўсиқ қўйиб келинаётганига қарамай, муаммонинг бартараф этиш жуда кийин кечапти. Шундай бўлиши табиий. Чунки мазкур мамлакатда интернетдан фойдаланувчилар салкам 600 миллионни ташкил этади. Мавжуд веб-сайтлар сони эса 2,3 миллиондан ошган. Ана шундай бир ҳолатда мамлакат ҳукумати изчил ислохот ўтказишга маж

бул, албатта.

Шу мақсадда интернетга бутунлай қарам бўлиб қолган ўсмирларни ахлоқ тузатиш масканларида «даволаш»га киришилди. Интернетга муккасидан кетганлар сонини камайтириш учун махсус ўқув лагерлари ташкил этилди. Бу ерда «ўргимчак тўри»га тушиб қолган ёшлар қатъий режим асосида тарбияланмоқда. Машғулотларни собиқ ҳарбий хизматчилар олиб боришаёпти. Ўқувчилардан ҳатто биттаси мавжуд тартибларга бўйсунмаса, бутун гуруҳ жазоланади. Жисмоний машқлардан ташқари Хитой этикаси дарслари ҳам ўргатилаётгани масала анчайин жиддийлигидан далолат бериб турибди. Айни пайтда бундай ўқув лагерлари 250 тага етди. Вазият шу даражадаки, «виртуал беморлар»нинг кўпчилиги бевосита уларнинг ота-оналари илтимоси билан ўшбу муассасаларга жойлаштирилади.

Интернет орқали тарқатилган ахборотларнинг катта қисми бузғунчилик ҳаракатларини содир этишга ундаётгани эса ҳақиқий фожадир. Энг ёмони, бундай ахборот тарқатиш усулларида турли экстремистик гуруҳлар фойдаланиб келаётгани ақли расо кишиларни ташвишга соймай қўймайди. Бу жараёнда айрим сиёсий марказлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда агрессию мақсадларни кўзлаётгани ҳам сир эмас.

Юкоридагиларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, кечаги ахборот хуружлари бугунгисидан батамом фарқ қилмоқда. Яъни сунъий йўлдош, телевидение, интернет тармоқлари орқали турли бўҳтонлар маълум сониялар ичида тарқатилмоқда. Бунга футбол бўйича йигирманчи жаҳон чемпионати арафасида, суҳбатдошларнинг файли кулаб кетиши мумкинлиги ҳақидаги миш-мишлар муҳлислари ташвишга солгани табиий. Бахтсиз ҳодиса рўй берса, бунинг учун масъулиятни ким ўз зиммасига олиши билан боғлиқ бўҳтонлар авж олгани-чи? Боз устига мамлакатда иш ташлашлар, жардам, транспорт ҳодимларининг норозилик намойишлари, мусобақа бўлиб ўтадиган шаҳарларда нотинчлик ҳукм сураётгани ҳақидаги хабарлар Бразилия ҳукуматида қимматга тушди. Шундай хабарлар тўғрисида файли сайёҳлар оқими сезил

Интернет орқали миш-миш тарқатиш халқимиз манфаатларига зиён етказувчи, давлат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлиқни емирувчи жиддий муаммага айланганди», дейилади Хитой Интернет ассоциацияси томонидан тарқатилган баёнотда. Мазкур ташкилот интернетда фаолият юритувчи барча компанияларга миш-мишлар тарқатишнинг олдини олиш даъвати билан чиқди.

Чин юртида Twitter, Youtube ва Facebook каби ижтимоий тармоқлар анча фаол бўлиб, ёшларни йўлдан уришда асосий қурол вазифасини ўтаётган. Улар йўлига тўсиқ қўйиб келинаётганига қарамай, муаммонинг бартараф этиш жуда кийин кечапти. Шундай бўлиши табиий. Чунки мазкур мамлакатда интернетдан фойдаланувчилар салкам 600 миллионни ташкил этади. Мавжуд веб-сайтлар сони эса 2,3 миллиондан ошган. Ана шундай бир ҳолатда мамлакат ҳукумати изчил ислохот ўтказишга маж



Рост ва ёлғон чегараси эса ҳақиқат тарозуси билан эмас, балки манфаатлар меъёрлари билан ўлчанмоқда, десак ҳар томонлама тўғри бўлади. Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганидек, «...турли гоё ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уриниш,

ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг узоқни кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, ғаразли мақсадлар йўлида одамларни, миллатларни бири-бирига қарама-қарши қўйиш, уларни ҳаётдан норози қилиш, сохта маълумотларни тарқатиш, ўзгаларни писанд қилмасдан, кучи етадиган давлат-

ларга пўписа ва зўравонлик кўрсатиш, ҳеч ким билан ҳисоблашмай куч ишлатиш ҳолатлари авваламбор оммавий ахборот воситаларининг бугунги ўқувчи, тингловчи ва томошабинларидан очки қорадан, ҳақиқатни уйдирма гаплардан ажратиш учун ўзининг мастаҳки дунёқараши ва фикрига эга бўлишини тақозо этади».

## ЭЪЛОН

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ХУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа**  
**ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш таплов асосида амалга оширилади.

Танлов қўйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгиланиш.

Танловга инвестициявий жозибадорлик ва саноат соҳасида табиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда сўхнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибдор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга қўмақлашади.

Тапловда лойиҳа ғоялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тапловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.  
Web-site: www.fpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com  
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қavat. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда мустақилликнинг йигирма уч йиллиги муносабати билан «**ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**» шиори остида мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини янада такомиллаштириш, мулкдорлар қатламини қўллаб-қувватлаш, иқтисодийтни либераллаштириш ва модернизациялаш борасидаги ислохотларнинг самараларини ёритишга бағишланган «**КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?**» мавзусидаги ихчам ва содда тилда ёзилган таҳлилий мақолалар қўрик-танловини эълон қилади.

Танлов шартлари: Мақолалар матни 3-4 бет ҳажмда, электрон ва босма нусхада жўнатилиши лозим. Мақола матни Microsoft Word (Word-2003) дастурида (Word-2007, 2010дан ташқари) Times New Roman (Ўзбек тилида), шрифти 14 кегель катталигида, 1,5 интервалда, чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқоридан ва пастдан 25 мм. жой қолдирилган ҳолатда расмийлаштирилиши лозим. Мақола мавзуси бош ҳарфларда ёзилади, ундан кейин муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойининг тўлиқ номи кўрсатилади, ундан сўнг матн келтирилади ва мақола илмий, техник ва стилистик таҳрир қоидаларига асосланиши ҳамда албатта «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси ва Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг расмий веб-сайти ҳисобланган www.uzlider.uz да эълон қилиниши зарур.

Қўрик-танлов ғолиблари қўйидаги мукофотлар билан тақдирланади:  
Биринчи ўрин — телевизор.  
Иккинчи ўрин — микротўқинли печь.  
Учинчи ўрин — уяли телефон.  
Танлов 2014 йил 1 августдан ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигига қадар давом этади ва ғолибларни тақдирлаш маросими O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ўтказилади.

Мазкур қўрик-танловда иштирок этишни истаганлар ўзларининг ижодий ишларини электрон ва ёзма шаклда қўйидаги манзилга тақдим этишлари керак:  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 73А-уй, «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти.  
Мурожаат учун телефон: 215-63-80, 255-46-23, электрон почта: xxi\_asr@mail.ru

**Ведущий производитель кровельных и гидроизоляционных материалов ТРЕТЬЕГО ПОКОЛЕНИЯ**

Гидроизол для: [www.SaxiyHamkor.uz](http://www.SaxiyHamkor.uz)

**КРЫШИ ФУНДАМЕНТА БЕТОННЫХ ШВОВ**

ГИДРОИЗОЛ НЕ ПОДВЕРЖЕН БИОЛОГИЧЕСКОМУ И ХИМИЧЕСКОМУ РАЗЛОЖЕНИЮ - ГНИЕНИЮ И КОРРОЗИИ

Тел.: + (998 93) 592-78-15  
+ (998 98) 128-09-01  
+ (998 71) 248-05-41

E-mail: info@saxiyhamkor.uz

Адрес: ул. Уста-Ширин, Алмазарский район, ориентир: круг Жамий

O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати, «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ бошқаруви раиси Александр Фармонова онаси **Раиса ФАРМОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Сайёҳлар нигоҳидаги кўҳна шаҳар

**Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Бухоро азалдан хорижий сайёҳларни ҳам, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрадиган меҳмонларни ҳам доимо ўзига чорлаб келаётгани ҳеч кимга сир эмас**

Асхор ИСТАМОВ,  
«XXI asr»

Бинобарин, халқимизнинг азалий қадрияти — ўзбекона меҳмоннавозлик туйғулари кўҳна шаҳарнинг сайёҳлик салоҳияти йил сайин ортиб, маҳаллий ва хорижий туристлар оқими йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Қадимий Бухорода ҳозирги пайтда мингга яқин ёдгорликлар асраб-авайланаётган бўлиб, уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйхатида киритилган. Кейинги йилларда Минораи Калон, Чор Минор, Арк, Исмоил Сомониий мақбараси ва бошқа мажмуалар қайта таъмирланиши сайёҳлар эътиборини янада кўпроқ жалб қила бошлади. Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолик Гиждувоний мемориал комплекслари, «Етти пир» мажмуалари ҳам узок-яқиндан келган зиёратчилар билан хамиша гавжум.

Шу ўринда Бухорога



келадиган меҳмонлар нафақат бу ердаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, кўҳна обидалар билан яқиндан танишиш, балки Қорақўл туманидаги Пойкент, Шофиркондаги Вардонзе, шунингдек, тиб илмининг султони — Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Пешку туманидаги Афшона қишлоғини бо-

риб кўриш хоҳишини билдираётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Экологик туризм ишқибозлари эса Когон туманидаги «Жайрон» марказига ошқадилар. Бу ерда улар «Қизил китоб»га киритилган юзлаб ноёб жониворларни томоша қилишади.

Айни пайтда соҳада вилоят бўйича жами 1,5

минг нафар ишчи-хизматчи фаолият олиб бормоқда. Шундан 1,3 минг нафари хусусий фирмалар ходимидир. Улар ташриф буюраётган сайёҳларга малакали хизмат кўрсатиш орқали юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

## Кулинг, умрингиз узаяди

Спорт билан шуғулланишга вақтингиз йўқми? Унда кулинг! Инсон қаҳ-қаҳ отанда худди спорт машғулотига бўлганидек, юрак уриши тезлашади, қондаги холестерин миқдори пасайиб, ички секреция безлари бош оғринини тўхтатувчи модда ишлаб чиқаради. Бир дақиқалик кулгу муолажасини 25 дақиқалик аэробикага тенглаштириш мумкин. Қулиш жараёнида юзтаги қарий барча мушаклар иштирок этади, терининг таранглиги ортади. Оқинини айтганда, кулгунинг ўзи нафас олиш гимнастикасидир. У бизни турли касалликлардан даволабгина қолмай, илҳамини ошқини ҳам ёрдам берар экан. Бу амалда синаб кўришган. Мутахассисларнинг фикрича, кулгу ижодий қобилиятини 57 фоизга оширади, меҳнат самардорлиги эса 54 фоизга кўтарилди. Олимларнинг аниқлашича, эрталабки нонушгани ёқтирмайдиганлар кўпроқ шамоллар экан. Тажриба пайтида 188 нафар кўнгилли 10 ҳафта давомида овқатланиш жадвалини қўндаликка ёзиб борган. Маълум бўлишича, ўткир нафас йўллари инфекциясига чалинганлар камдан кам нонушта қилар эканлар. Унбу гуруҳга кирувчи одамлар ҳар кунги тўлақонли нонушта қилганиларга нисбатан шахсий ҳаётида ва ишкондада кўпроқ муаммога учрашлари талқинотларда аён бўлган.



## Фаранг аёллари ва кари тимсоҳлар

Париж дўконларида харид қилинаётган буюм учун 10 дақиқадан кам вақт сарфлаган аёлларга имтиёзлар жорий қилинди. Имтиёз шундан иборатки, аёллар кийинини ва ойнага солиб кўриш учун 10 дақиқадан кам вақт сарфлашса, уларга буюмнинг нархи 10 фоизга арзонлаштирилиб берилади. Бу янгилик АКШнинг Сентл шаҳридаги ҳайвотот бондида ўлган қари тимсоҳнинг қорнини ёриб қўрган ветеринарлар ёқа ушлаб қолганидан қизиқарли бўлмаса керак. Чунки унинг қорнида 2 та эшитиш асбоби, 4 жуфт кўзойнак, 22 та тиш чўткаси, 5 та қатта миҳ, 14 та танга, қайчи ва гултувак бор экан...  
Рисолат МАДИЕВА ташкирлади.

## Водийга — йўналишли таксиларда

Август ойининг дастлабки кунларида Фарғона водийси шаҳарларини пойтахтимиз билан боғлайдиган йўналишли таксилар қатнови йўлга қўйилди. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўрибосари Шоолим Шоваҳобовнинг таъкидлашича, Фарғона водийси аҳолисига кўрсатилаётган автотранспорт хизматини яхшилаш мақсадида



ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, «Тошкент-Андижон», «Тошкент-Наманган», «Тошкент-Фарғона» ҳамда «Тошкент-Қўқон» каби тўртта йўналиш бўйича йўлга қўйилган қатновларда тендерлар ўтказилгунга қадар, яъни октябрь ойигача «ММА-Mexmondo'st», «Tinchlik Yuk Trans», «Qo'qon Karvon Yo'li», «Yakka Faryod Naqiyot» масъулияти чекланган жамиятлари автоуловлари хизмат кўрсатади. Ўз навбатида пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Водий», Андижондаги «Узумзор», Наманган шаҳридаги «Наманган», Қўқондаги «Данғара» ҳамда Фарғона шаҳридаги «Фарғона» автостанцияларида йўналишли таксиларнинг тўхтаб туриши ва йўловчилар учун махсус жойлар, ҳайдовчиларни тиббий ҳамда автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш пунктлари, шунингдек, бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилганини айтиб ўтиш лозим.  
Шўҳрат ХҲҲАЕВ.

## Шимолнинг «ёнаётган» бугуларни

Финляндиялик фермерлар йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида нобуд бўлаётган минглаб шимол бугуларини асраб қолиш йўлини топдилар. Гап шундаки, жониворларнинг ҳайдовчиларга узоқдан яхши кўриниши учун уларнинг юнги ва шохларига ёруғлиқни қайтарадиган махсус спрей селиб чиқилди.

Маълумотларга кўра, «ёнувчи» ранга биринчи бўлиб Лапландия бугуларни бўяди. Зеро, Финляндияда бугулар боқиладиган фермер хўжалиқларининг асосий қисми айнан ана шу вилоятда жойлашган. Синов тариқасида бугубоқарлар ҳозирча 20 та жониворни бўяб чиқдилар. Махсус спрей мутлақо зарарсиздир. Энди улар ана шу бўёқ об-ҳаво шароитларига қандай бардош беришини кузатишмоқчи. Агар мазкур тажриба ижобий яқунланса, кузлан бошлаб барча бугуларнинг юнги ва шохларига ёнувчан бўёқ суртилди.



## ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Тўғрилиқка ишонмаган ақлнинг ўткир бўлганидан фойда йўқ. Соатнинг ҳам юриб туриши эмас, тўғри юриши муҳимдир».

ЖУВЕНАР.

## РЕКЛАМА



# Fitch Ratings

«Fitch Ratings» xalqaro reyting agentligi  
2014-yil 29-iyulda

«Agrobank»  
aksiyadorlik tijorat banking  
xalqaro reytingini

«BARQAROR»

istiqboli bilan qayta tasdiqladi

«Agrobank» aksiyadorlik tijorat banki  
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi, 43.  
Tel.: (8-371) 150-53-72; Faks: 150-53-95  
[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)

Xizmatlar litsenziyalangan.

## ЭЪЛОН



ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун янада қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга оид фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, синов ва сертификатлаштириш марказлари томонидан маҳсулотларга меъёрий стандартлар белгилаш, уларнинг синовларини ўтказиш ва мувофиқлик сертификатларини бериш бўйича зарур амалий чоралар кўрилмақда.

Сиз online режимда фаолият юритидагилар [www.standard.uz](http://www.standard.uz) сайти ёки (8-371) 150-23-00 рақамли «Ишонч телефони» орқали боғланиб, қорхонангизда тайёрланаётган маҳсулотларга стандартлар ишлаб чиқиш, уларнинг синовларини ўтказиш ва сертификатлаштириш, шунингдек, импорт қиланадиган товарлар учун мувофиқлик сертификатини олиш юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволлар ва айрим муҳим масалалар юзасидан марказимизнинг малакали мутахассисларига мурожаат этишигиз мумкин.

Биз Сизнинг хизматингиздамыз,  
азиз тадбиркорлар!  
«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ

Хизматлар лицензияланган.

## РЕКЛАМА

3A3 FORZA  
Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



[www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

Товар сертифицирован.